31 ЯНВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 25 (20. 592) • 1990 йил 30 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

НАМАНГАН, 29 январь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ хўжалиги тармоқларининг 1989 йилги иш якунлари ҳамда 1990 йил ва умуман беш йиллик планларини баҳориш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов иштирок этди.

* * *

ЖИЗЗАХ, 29 январь (ЎзТАГ). Сирдарё области партия-хўжалик фаолларининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида 1989 йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт якунлари ва янги иқтисодий усуллардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда партия, совет ва хўжалик идораларининг бу йилги вазифалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков нутқ сўзлади.

Дунё овози

ШЭНЬСИ ВИЛОЯТИДА

✦ ПЕКИН. Шимоли-Ғарбий Хитойнинг Шэньси вилоятидаги Анькан шаҳри ниҳоятда кучли сув тошқини оқибатида 1983 йилда батамом вайрон бўлган эди.

Ўтган етти йил мобайнида маҳаллий аҳолининг саботматонат билан қилган меҳнати ва вилоят маъмурларининг ёрдами туфайли вайрон бўлган Анькан ўрнида кенг кўчалари ҳамда кўп қаватли турар жой ва маъмурий биноларни бўлган тамомила янги замонавий шаҳар бунёд этилди.

Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, эски бир қаватли ёғоч уйлар ўрнида умумий майдони 76 минг квадрат метр бўлган 43 та кўп квартирали уй қурилди, бунёд этилган барча янги биноларнинг майдони эса ҳозир 3,57 миллион квадрат метрни ташкил қилади.

КЎПЧИЛИК ОВОЗ БИЛАН

● ВАРШАВА. Таъсис конгрессининг делегатлари ярим кечага яқин асосий кўпчилик овоз билан Польша сўл кучлари янги партиясининг Польша Республикаси социал-демократик партияси деган номини маъқулладилар.

Илгари янги партиянинг программ декларацияси ва устави қабул қилинган эди. Польша Республикаси социал-демократик партияси таъсис конгрессининг делегатлари илгари қабул қилинган иш тартибига мувофиқ ярим кечадан кейин ўз ишларини вақтинча тўхтатиб туриш ва Польша Бирлашган ишчи партиясининг унинг тарихидаги сўнгги XI съездини ниҳоясига етказишга қарор қилдилар. Илгари хабар қилинганидек, шу йил 27 январь куни Польша сўл кучлари янги партияси таъсис конгрессини ўтказиш учун XI съезднинг иши тўхтатиб қўйилган эди. Съезд делегатлари бир қанча ҳужжатларни маъқулладилар.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ РЕЖАСИ

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ маъмурияти «стратегик мудофаа ташаббуси»га ажратиладиган пулни кўпайтирмоқчи бўляпти, деб хабар қилди «Бостон глоб» газетаси.

Ахборот манбаларидан газетага маълум бўлишича, президент Буш келгуси молия йилида ана шу мақсадга 4,8 миллиард доллар ажратишни конгрессдан сўрашни режалаштирган. Бу эса бир йил муқаддам конгресс «самовий урушлар» программаси учун ажратган маблағдан 1 миллиард доллар кўпдир. Оқ уйнинг режасига кўра, шундан 4,5 миллиард доллари Пентагонга ва 300 миллион доллари стратегик мудофаа ташаббусининг турли йўналишлари бўйича иш олиб бораётган АҚШ энергетика министрлигига берилади.

ИШНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

1989 йилда иқтисодиётнинг тузилишини қайта қуришга, уни ижтимоий соҳага кўпроқ буриб юборишга ва молиявий аҳвалдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди дейилади СССР Давлат статистика комитетининг 1989 йилда СССРнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тўғрисидаги ахборотида. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатларида ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларига нисбатан илдамликка эришилди. Мудофаа саноати корхоналари халққа керакли моллар ишлаб чиқаришга жалб этила бошланди. Ижтимоий соҳага устун даражада маблағ ажратиладиган бўлиб қолди. Миллий даромаддан жорий истеъмолга ва ноишлаб чиқариш қурилишига ажратладиган ресурсларнинг улуши аввалги йилдаги 82,3 фоиз ўрнига 83 фоиздан ошиб кетди. Халқ фаровонлигини ошириш юзасидан йил учун белгиланган марказлаштирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Пенсияларнинг энг оз миқдорлари кўпайтирилди.

СССР Давлат статистика комитети ахборoти

Ўтган йил мобайнида (нарх-навонинг ҳақиқий ўзгариши таъсирини истисно этганда) ялпи миллий маҳсулотнинг 3 фоиз, ҳосил қилинган миллий даромаднинг 3,4 фоиз, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг 2,3 фоиз ошиши таъминланди. Хўжалик юритишнинг янги шаклларини қўлланиш кенгайди.

Шу билан бирга мамлакатдаги иқтисодий вазият мураккаб бўлиб турибди. Истеъмол бозоридаги кескинлик ошди. Иқтисодиётни ривожлантириш суръати пасайди. Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йиллик планининг кўпгина энг муҳим кўрсаткичлари бажарилмай қолди.

Давлат бюджети харажатларининг даромаддан 120,8 миллиард сўм ортиб кетиши планлаштирилган бўлса, молиявий аҳволни соғломлаштиришга оид тадбирлар мажмуи ўтказилганлиги натижасида тахминан 92 миллиард сўм ортиқ бўлиши таъминланди. Давлатнинг ички қарзи 400 миллиард сўмга яқинлашди.

Бюджетга 111,1 миллиард сўм миқдорида оборот солиғи тушди, бу аввалги йил даражасидан 10,1 миллиард сўм ёки 10 фоиз кўп. 1989 йилда аввалги йилга нисбатан кўпроқ фойда олинди. Аммо фойда кўпайишининг анчагина қисми нархларнинг асоссиз равишда ошиши натижаси бўлди.

Муомалага пул чиқариш 1988 йилги даражадан 56 фоиз ошди ва 18 миллиард сўмдан кўпайди.

1988 йилга нисбатан истеъмол молларининг ва пулли хизматларнинг нархлари ҳақиқатан 2 процент кўтарилди. Қондирилмаган талаб ошишини («пинҳона инфляцияни») ҳисобга олганда истеъмол бозоридаги пулнинг қадрсизланиш миқёси 7,5 фоизга етди.

1990 йилнинг бошида СССР аҳолиси 288,8 миллион кишини ташкил этди. Бир йил ичида аҳоли 2,1 миллион киши ёки 0,7 фоиз кўпайди. Аҳоли кўпайиши суръатининг пасайганлиги асосан туғилганлар сонининг камайиши натижаси бўлди. Йил давомида умумий туғилиш коэффициенти пасайиб, 1000 аҳоли ҳисобига туғилиш 18,8 нафардан 17,6 нафарга тушиб қолди. Тахминий умр узоқлиги 69,5 йилни ташкил этди ва амалда 1988 йил даражасида қолди.

1989 йилда мамлакатнинг меҳнат ресурслари 164 миллион кишини ташкил этди ва йил давомида 0,9 миллион нафар кўпайди. Халқ хўжалигида 139 миллион киши шуғулланди. Меҳнатга лаёқатли жами аҳолидан қарийб 13 миллион киши ижтимоий ишлаб чиқаришда шуғулланмаяпти.

Ўтган йил давомида давлат ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларидан 1,3 миллион киши бўшатиб олинди, уларнинг кўплари хизмат соҳасининг корхоналари ва ташкилотларига ўтди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат интензиви ёмонлашди, ишга сабабсиз келмаслик, бекор туриш кўпайди, кадрларнинг қўнимсизлиги ошди. Ўтган йилда мамлакатнинг бир қанча районларидаги иш ташлаш оқибатида 7 миллион кишикунидан ортиқроқ вақт зое ўтди. Йил давомида иш ташлашлар муносабати билан ҳар куни ўрта ҳисобда қарийб 30 минг киши ишламади. Бевосита йўқотилган маҳсулот (бажарилмаган ишлар)нинг ўзи 0,8 миллард сўмликни ташкил этди.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1988 йилдаги 220 сўмдан 1989 йилда 240 сўмга, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 182 сўмдан 196 сўмга етди. Кооперативларда ишловчиларнинг, шу жумладан ўриндошлик асосида ишловчиларнинг ўртача бир ойлик меҳнат ҳақи 500 сўмдан ошди.

Аҳоли ижтимоий истеъмол фондларидан 187 миллиард сўмлик, яъни 1988 йилга нисбатан 11,6 миллард сўмлик кўп тўлов ва имтиёзлар олди. Бу тўлов ва имтиёзларнинг 50 фоизга яқини пул тўловларидан иборат бўлди.

Аҳолининг пул даромадлари аввалги йилга нисбатан салкам 64 миллард сўм ёки 12,9 фоиз кўпайиб, планда кўзда тутилганидан 57,7 миллиард сўм ошиб кетди. Пул даромадларининг кўпайиш суръати бу даромадларнинг товарлар ва хизматларга сарфларнинг кўпайишидан 1,4 баравар илдамлашди.

Аҳолининг СССР Жамғарма банки муассасаларига қўйган омонатлари 1989 йил мобайнида 41 миллиард сўмлик миқдорида кўпайди ва 337,7 миллиард сўмга етди.

Ишчи ва хизматчилар оилаларининг озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга пул харажатлари аввалги йилга нисбатан 4 фоиз, саноат моллари харид қилишга сарфи 13 фоиз, колхозчиларнинг оилаларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳам саноат моллари харид қилишга бўлган харажатлар 6 фоизданга кўпайди.

1989 йил 1 октябрдан бошлаб қарилик пенсиясининг энг оз миқдори ойига 70 сўмгача кўпайтирилди, бу эса 20 миллион пенсионернинг, шу жумладан 8 миллион колхозчининг моддий аҳволини яхшилаш имконини берди. 1 ва II группаларга мансуб ногиронлардан 2 миллион кишининг моддий аҳволи яхшиланди, уларнинг пенсиялари энг оз миқдори 85 ва 70 сўмгача етди, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 800 минг беваси учун, боқувчисидан маҳрум бўлганлик учун ойига камида 60 сўм пенсия белгиланди. 1989 йилнинг тўртинчи кварталидагина шу тадбирларни амалга ошириш харажатлари 1,3 миллиард сўмни ташкил этди.

Халқ истеъмоли моллари (шу жумладан спиртли ичимликлар) 426 миллиард сўмлик (чакана нархларда), яъни аввалги йилга нисбатан 30 миллиард сўмлик ёки 7 фоиз кўп ишлаб чиқарилди. Чет эллардан 1988 йилга нисбатан тахминан 8 миллиард сўмлик ёки 19 фоиз кўп мол олинди. Нисбатан қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Мудофаа корхоналарининг ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириш шароитида мудофаа тармоқларининг корхоналарида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш умуман саноатдагига нисбатан бирмунча юқори суръатлар билан кўпайди. Бу корхоналарда товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши 11 фоизни ташкил этди.

Чакана товар оборoти плани 102,4 фоиз бажарилди, унинг умумий ҳажми 1988 йилга нисбатан 37,3 миллиард сўмлик кўпайди. Кўпгина молларни сотиш кўпайган бўлишига қарамай, истеъмол бозоридаги аҳвол кескинлигича қолмоқда. Халқ истеъмоли молларининг сифати қониқарсизлиги хусусида аввалгидек кўп таналар айтилмоқда.

Колхоз бозоридаги нархлар ўтган йили 1988 йилга нисбатан 7 фоиз кўтарилди.

Уй-жой ва социал-маданий соҳанинг бошқа объектлари қурилишига 60 миллиард сўмга яқин, яъни 1988 йилга нисбатан 6 фоиз кўп капитал маблағ сарфланди. Халқ хўжалигидаги инвестицияларнинг умумий ҳажмида бу маблағларнинг улуши

(Давоми иккинчи бетда).

ИЖАРА ШАРОФАТИ

Дўстлик районидаги «Октябрь 50-йиллиги» совхози сут-товар фермасининг азамат чорвадорлари ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Жумладан, бу ерда сут ишлаб чиқариш пландаги 850 тонна ўрнига 930 тонна, гўшт 165 тонна ўрнига 168 тонна, бузоқ олиш 350 бош ўрнига 353 бошга бажарилди.

— Бундай муваффақиятга, — дейди хўжаликнинг бош зоотехниги Матлаб Шодиев, — коллективдаги барча чорвадорларнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Сут-товар фермасида ижара пудрати асосида ишлашга ўтилганидан сўнг яна ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш имконияти яратилди. Бу борада Рўзиқул Мардошевлар ижарачи оиласини мисол қилиб келтириш мумкин. 6 кишидан иборат оила 180 та соғин сигирни парвариш қилаётир ва улардан мўл-кўл сут соғиб олишга эришаётир. Соғувчи Холширин Мардошева, механизатор Норбой Раббимовлар эришилаётган ютуқларга баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Суратда: ферма механизатори Н. Раббимов.

У. Қўшвоқов сурати.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Бош секретари СССР Олий Советининг Раиси М. С. ГОРБАЧЕВга

Ҳурматли Михаил Сергеевич!

Кейинги вақтда содир бўлаётган муҳим, жўшқин, турли-туман воқеалар совет кишилари эътиборини ўзига тортмоқда. Бу воқеалар ветеранларни айниқса ҳаяжонлантирмоқда — ўз меҳнатимиз билан яратилган, қонимизни тўкиб қўлга киритилган ва сақлаб қолинган ҳамма нарсанинг қадр-қимматини биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Шунинг учун ҳам биз СССР халқ депутатларининг II Съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил декабрь Пленумлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши материалларига қайта-қайта мурожаат қилиб, мағзини чақмоқдамиз. Биз Сизнинг Литвадаги нутқларингиз, мунозараларда айтган фикрларингизни қайта-қайта мутолаа қилмоқдамиз. Закавказьеда рўй бераётган тахликали воқеалар тўғрисидаги нохуш хабарларни алам-андуҳ билан муҳокама қилмоқдамиз.

Гап кўпмиллатли давлатимиз, ленинчи партиямиз, социализмнинг тарихий тақдири тўғрисида бораётган бир пайтда ўз фикр-ўйларимиз билан ўртоқлашишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистоннинг партия, уруш ва меҳнат ветеранлари шуни якдиллик билан қайд этадиларки, партиямиз эълон қилган қайта қуриш революциядаги революциядир, зеро у социализм қиёфасини тубдан ўзгартириш ва янгилашга, ҳам социалистик иқтисодиётга, ҳам жамиятнинг сиёсий, маънавий ҳаётига чинакам ленинча мазмунни қайтариб беришга даъват этилгандир.

Қайта қуришнинг дастлабки натижалари ўзини кўрсатмоқда. Ўз моҳияти эътибори билан революцион бўлган иқтисодий ислоҳот асосида ишлаб чиқариш муносабатларида туб ўзгаришлар рўй бераётир. Халқ хўжалигида йирик структура ўзгаришлари амалга оширилаётгани, у ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилаётганини кўриб, сезиб турибмиз. Пенсия таъминоти системаси қайта қурилмоқда, бундан ветеранлар айниқса миннатдордирлар. Социалистик давлатимиз фаровонлигига, фан ва маданиятга, совет халқининг маънавий ривожига қанчадан-қанча фалокат келтирган ва жиддий зарар етказган маъмурий-буйруқбозлик системаси қолдиқларига барҳам берилмоқда.

Ошкоралик ва ҳақиқий демократия кучга тўлмоқда, совет халқининг сиёсий ва маънавий ҳаёти бой ва анвойи тус олмоқда, меҳнаткашлар оммасини давлатни ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этиш жараёни авжланмоқда.

Қайта қуриш ва ҳозирги шароитларда янгича тафаккурнинг ғалабаси натижасида, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатдаги ташаббуслари туфайли халқаро кескинлик сезиларли даражада юмшади, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини пухта равишда мустаҳкамлашнинг реал истиқболлари кўзга ташланиб қолди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг умумий иқтиҳоримиз бўлиб, партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг социализм идеалларига бўлган битмас-туганмас ишончини мустаҳкамлайди.

Айни бир вақтда биз, ветеранлар қайта қуришнинг бошланғич босқичи натижаларига маҳлиё бўлиб, хом хаёлларга бормаймиз, балки ҳали жуда кўп ҳал этилмаган муаммолар борлигини аниқ-равшан тасаввур қиламиз. Жумладан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол моллари билан таъминлашда тахчилликлар давом этмоқда, саботаж ва масъулиятсизлик ҳоллари учраб турибди, жиноятчилик ўсмоқда. Биз навбатдаги босқичда партия ва мамлакат олдида турган вазифалар нақадар улкан, кўпқиррали ва машаққатли эканини тушунамиз. Халқ хўжалиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида қайта қуришнинг узил-кесил ғалабаси учун, турғунлик даврининг ҳамма иллатлари оқибатларини бартараф этиш ва мамлакатимиз бошига тушган оғир кризисли ҳолатдан чиқиш учун барча партия, совет, касаба союз ва жамоат ташкилотлари катта куч-ғайрат сарфлашлари даркор. Республика ветеранлари КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтадиларки, улар партиянинг социалистик жамиятимиз ҳаёти барча томонларини янгилаш бўйича қилаётган катта ва кўпқиррали ишида унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни ўзларининг биринчи даражали бурчлари деб ҳисоблайдилар. Биз ёшларни коммунистик ғоявийлик, совет ватанпарварлиги ва байналмилалчилик, юксак ахлоқийлик, меҳнатга муҳаббат, Коммунистик партия ва социалистик турмуш тарзи идеалларига садоқат руҳида тарбиялашда ўзимизни айниқса бурчли деб ҳисоблаймиз.

Ошкоралик ва рўй-ростликни, мамлакатимиз босиб ўтган йўлга ҳаққоний баҳо беришни бутунлай қўллаб-қувватлар эканмиз, биз ветеранлар мамлакатимизнинг Октябрдан кейинги тарихига нигилистик муносабатда бўлиш фактлари билан келиша олмаймиз. Ветеранлар халқларимизнинг ҳам тарихий жасоратларини, ҳам хатоликлар, фалокатлар, фожиали воқеаларни ҳалол, холисона кўрсатиб бериш тарафдоридирлар. Биз социализм кашшофларининг янги дунёнинг ёрқин идеалларига бўлган мустаҳкам ишончлари ҳақидаги, кекса авлод кишиларининг қаҳрамонона меҳнатлари, улкан ғайрат-шижоатлари, бегараз фидокорликлари тўғрисидаги ҳақиқатни ёшларга сингдиришни ва совет ёшларига бой ҳаётий ҳамда меҳнат тажрибасини мерос қилиб беришни, ёшларни Ватанга чексиз садоқат, уни ҳимоя қилишга тайёр туриш ва социализм идеалларига садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашишни, уларни буржуазиянинг «коммавий» деб аталмиш маданиятининг зарарли таъсиридан асрашни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.

(Давоми иккинчи бетда).

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни

ҚАТЪИЯТ

Номзодлар ҳақида ҳикоялар

Юртдошларимизнинг азалий бир одати бор, у ҳам сўлса, яхшилар тўғрисида самимият билан яхши гап айтиш. Жалолқудуқликлар Турсунбой Мирзаев ҳақида ана шундай илиқ фикрлар билдиришаётган экан, бу бежиз эмас, албатта. Унинг кимлиги, умрининг мазмуни, меҳнат жараёни, интилиш ва мақсадлари элга аёнки, шундай бўлмоқда, унга ишонч билдирилмоқда.

Дарҳақиқат, Турсунбой Мирзаевнинг қандай фазилатлари бору, улар нима сабабдан ҳамқишлоқларига манзур бўлаётир? Аввало, у Жалолқудуқда туғилиб ўсган, вояга етган. Юртдошларининг узоқ йиллик турмуш тарзини, орзу-интилишларини, дарду-ҳасратларини, нималарга қодиру, нималарга муҳтожлигини жуда яхши билади. Қолаверса, у ҳуқуқшунос олим, ўз касбига садоқатли, эътиқоди мустаҳкам инсон. Ва ниҳоят, яна бир фазилати сабр-тоқатли, ҳар бир масалага чуқур ва босиқлик билан ёндаша олишидир.

У Москва райони, Андижон шаҳри, область прокурорининг ёрдамчиси, Ленин ва Хўжаобод районларида прокурор ва ниҳоят айни кунларда фаолият кўрсатаётган республика прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича иш терговчиси вазифаларида жуда кўплаб жиноий ишларни очишга муваффақ бўлди. Унинг тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилди. Бир қатор ноҳақ айбланган, жазоланган, партия сафидан чиқарилган ҳалол, пок инсонларни сафга қайтаришга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қарор топтиришга муваффақ бўлди. Айбсиз кишиларга бўлган меҳр-муҳаббатида, ўз нуқтаи назарида барқарор турди.

Ҳа, республикамизнинг ҳамма жойларидаги каби Жалолқудуқ районида ҳам ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий маънавий муаммолари анчагина чигаллашиб қолган. Қишлоқларнинг ижтимоий қиёфасидаги нурсизлик ва ғариблик, шиддат билан вояга етаётган авлодни иш билан етарли таъминлаш, аёллар мушкулини осон қилиш, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа, маиший хизмат соҳаларида туб бурилиш ясаш, муҳими, ҳукумат томонидан меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қонунларнинг қуйида тўла ва тўғри амал қилинишига эришиш жуда катта куч ва билимдонликдан ташқари фидойиликни ҳам талаб қилаётир.

Тўғри, бу муаммоларни ҳал қилишда партия, совет, комсомол ва жамоат ташкилотлари бор куч-ғайратларини сафарбар қилишаётгани ҳақиқат. Лекин бугун сайланажак депутатлар уларга ишончли таянч, катта ёрдамчи, юкнинг бир томонини дадил елкага олишга қодир киши бўлиши шарт. Халқ манфаати йўлида ўзини тўла сафарбар этганларгина депутатлиқни бажара олади. Назаримизда Турсунбой Мирзаевда шундай фазилатлар мужассамлашган. Ҳамқишлоқлари шуни ҳисобга олишгани учун ҳам 139-Охунбобоев сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига унинг номзодини якдиллик билан кўрсатишди.

Гап депутат бўлиб сайланишдагина эмас, балки халқни тушунишда, уларнинг истак ва орзуларини рўёбга чиқаришда, Турсунбой Мирзаев аллақачон ҳамқишлоқлари оғирини енгил қилишга бел боғлаган. Унинг жонкуярлиги билан Свердлов номли колхозда қурилиши уч йилдан бери тўхтаб қолган мактаб биносини барпо этиш ҳаракати бошланди. Ичимлик сув йўллари ремонти ҳам тез кунларда бошлаб юбориладиган бўлди. «Коммунизм» колхозига эса шу мақсадда бир ярим километр қувурлар келтирилди. «Ғалабанинг 30 йиллиги», Карл Маркс номли колхозларни ғазлаштириш масаласи ҳам узил-кесил ҳал этилди.

Турсунбой Мирзаевни камтарин ва самимий инсон, етук ҳуқуқшунос олим сифатида яхши биламан. Шунинг учун ҳам унинг ишончли вакили бўлишни иккиланмай қабул қилдим. У жалолқудуқликларнинг талаб ва истакларини бажаришга, зарур бўлганда ўткир масала тариқасида ҳукумат олий анжуманн минбарига олиб чиқишга ва ижобий ҳал қилишга қонунушунос сифатида қурби етади деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам Охунбобоев сайлов округи сайловчилари ўз фарзандларига ҳиммат кўрсатиб, унга ишонч билдиришмоқда. Бу ишонч 18 февраль куни янада яққол намоён бўлишини истайман ва сайловчиларни шунга даъват этаман.

Ш. ХАНТОХУНОВ,
Жалолқудуқ район «Олга» газетасининг муҳаррири.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УРТОҚ К. ЮСУПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Комил Юсупов Ўзбекистон ССР халқ таълими министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 29 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УРТОҚ Ш. А. АЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Шавкат Орифжонович **Алимов** Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 29 январь.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўзбекистоннинг партия, уруш ва меҳнат ветеранлари социализмни бузишга ва оммавий қатағонларга олиб келган сталинизмнинг оғир, вайрон қилувчи оқибатларини чуқур идрок этадилар, шу билан бирга ўтмишда содир бўлган барча фожиаларни танқид қилиш бизнинг ҳаммамиз учун аҳлоқий покланиш, шунга ўхшаш нарса бундан кейин ҳеч қачон такрорланмаслиги учун огоҳлантириш эканлигини тушунадилар. Аммо бунга, Сиз қайта-қайта таъкидлаганингиздек, ҳалол қўллар билан, покиза фикр-ўйлар билан қилиш керак. Шунинг учун ҳам ветеранлар баъзи бир тарихчилар ва публицистларнинг тарихий ўтмишни ёппасига хатоликлар занжири сифатида қоралаб кўрсатишга урунишларига қарши кескин норозилик билдирадилар.

Биз янги пайдо бўлган баъзи бир «назариётчилар»нинг бизнинг мамлакатимиз 70 йил мобайнида «бир жойда депсиниб турди» деган хулосаларини ғайриилмий ва ғайриахлоқий, деб ҳисоблаймиз ва бу ғаразли фикрларни рад этамиз.

Ленин партияси раҳбарлигида, жуда қисқа муддатларда қудратли давлатни барпо этган халқимизнинг меҳнат қаҳрамонлигини, Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмни тор-мор этган совет халқининг қаҳрамонона жасоратини, урушдан кейинги йилларда фан ва техника соҳасида эришилган ютуқларни Ватанимиз тарихидан ўчириб ташлашга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ.

Қайта қуриш Октябрь ишининг, Ленин ишининг давомидир. Шу боисдан ҳам биз, ветеранлар совет жамиятини тубдан янгилашнинг ташаббускори ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиққан ленинчи Коммунистик партияга ўзимизнинг чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз ва баъзи бир оммавий ахборот воситаларида, айрим норасмий ташкилотларнинг митингбозлик йўналишларида партияни халқдан ажратишга, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишларда намоён бўлаётган партияга тўғридан тўғри қилинаётган ҳужумларни қоралаймиз.

Агар ана шу митингбозлар ниятлари соф бўлганда эди, ўз куч-ғайратларини қайта қуриш вазифаларини амалда ҳал этишга аллақачон йўналтирган ва ўзларининг ҳоли қудрат ишлари билан қайта қуриш жараёнларини тезлаштиришга кўмаклашган бўлур эдилар.

Бизнинг кўпмиллатли ССР Иттифоқини ажратиб юборишга, партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлигини кўпоришга қаратилган сепаратчилик кайфиятлари ва хатти-ҳаракатлари пайдо бўлаётгани ветеранларни айниқса безовта қилмоқда. Биз миллатлараро адоват ўтини ёқаётган, бошқа миллатларга мансуб кишиларга хунрезлик ва азоб-уқубат келтираётган, ҳуқуқ-тартибот асосларига путур етказаётган, ҳокимиятнинг қонуний органларига очиқдан-очиқ қарши чиқаётган, энг муқаддас нарса — СССР чегаралари дахлсизлигини бузаётган қуролланган экстремистларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатларига йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бунинг на демократия билан, на миллий ўз-ўзини англаш билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Тартибсизлик ва қурбонларни келтириб чиқараётган босқинчилик ҳаракатларининг пайи қатъиян қирқилиши керак.

Фактлар бундай экстремистик унсурлар фақат ўзларининг ғаразли ва пасткаш мақсадларини кўзлаётганлигини ва ярамас ҳатти-ҳаракатлари билан қайта қуришга ҳар қанақасига қаршилик кўрсатаётганликларини муқаррар тасдиқламоқда. Улар, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, ишчилар синфининг, оммасининг энг қайғули синовларга маҳкум этишга қодир бўлган ашаддий душманларидир.

Биз шуни қатъият билан айтамизки, совет жамиятида партия: барча жамоат ташкилотлари ва бутун совет халқини уйғунлаштирувчи, бирлаштирувчи кучдир. Сиёсий авангардлик ролини ундан ҳеч ким тортиб ололмайди. Шунинг учун партия, уруш ва меҳнат ветеранлари партияга нисбатан ғаразли хужумларга қарши, унинг халқ олдида обрўсини тўкишга қарши, меҳнат коллективлари олдида коммунистлар ва партия комитетларини бадном этишга қарши норозилик билдиришларини ва бунга чек қўйишни талаб қилишларини Михаил Сергеевич, Сизга етказиб қўйишимизни илтимос қилдилар.

Партия ва ҳар бир коммунист олдида, шу жумладан ветеранлар олдида улкан ишлар турибди. Олдинда — КПСС XXVIII съездига тайёргарлик ишлари турибди. Шу муносабат билан ҳозир партия учун буюк революцион қайта қуриш ишини сабот ва матонат билан ривожлантириш ҳамда социализмни янгилашдан иборат ўз тарихий бурчини бажаришдан кўра муҳимроқ иш йўқдир.

Ҳозир бизда, Ўзбекистонда республика партия ташкилоти меҳнаткашларнинг куч-ғайратини қайта қуриш вазифаларини ҳал этишга йўналтириб, катта ташкилий ва сиёсий ишларни олиб бормоқда.

Шунинг натижасида дастлабки ижобий силжишлар рўй берди. Республика пахта, пилла, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари тайёрлаш планини бажарди.

Уй-жой, ижтимоий-маданий хизматга мўлжалланган объектлар жадаллик билан қурилмоқда. Колхозчилар ва совхоз ишчиларига томорқа ерлари ажратиб бериш ва мавжудларини кенгайтириш ишлари кенг кўламда авж олдириб юборилдики, бу озиқ-овқат, уй-жой муаммоларини муайян даражада ҳал этишга, аёллар, кўп болали оналар ижтимоий аҳволини яхшилашга кўмаклашади. Республика пойтахти — Тошкент шаҳрини тубдан қайта қуриш программаси тасдиқланди. Унда пойтахтнинг 2 миллионлик аҳолиси ҳаёт таъминотини яхшилаш, қадимий шаҳримиз тарихан ташкил топган қисмини, унинг ажойиб ёдгорликларини таъмирлаш ва янгилаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил октябрь ойида бўлиб ўтган сессиясида давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилинди. Бу Қонун республикада яшаётган барча халқлар тилларига ва маданиятлари эркин ҳамда тенг ҳуқуқли ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган қарор қабул қилди. Уни бутун халқ қўллаб-қувватлади.

Партия ва совет органлари партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг долзарб ижтимоий-маиший эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Республика партия ташкилоти партия сафларини КПСС Марказий Комитети атрофида янада жипслаштириш, халқлар ленинча дўстлигини мустаҳкамлаш ва коммунистлар, комсомоллар, республика барча меҳнаткашларини байналмилалчилик руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни амалга оширмоқда.

Биз бу ишлар ижобий силжишларнинг фақат бошланиши эканлигини тушунамиз.. Ўзбекистонда қайта қуриш йўлларида ҳали кўпгина ҳал этилмаган муаммолар, қийинчиликлар учраб турибди. Уларни бартараф этиш анчагина куч-ғайратни, уюшқоқлик, сабот-матонат ва юксак масъулиятни талаб этади.

Республика халқ хўжалигида йирик структура ўзгаришларини амалга ошириш лозим. Унинг хом ашё тайёрловчи ҳолатига барҳам бериш керак. Ижтимоий қолоқликни бартараф этиш, одамлар ҳаёт шароитини яхшилаш бўйича шошилинч, кенг кўламли тадбирлар даркор. Бизнинг меҳнатсевар халқимиз Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини пахтага бўлган нархларнинг ўзгариши билан ҳақли равишда боғламоқда. Пахта — бу табиатнинг нодир инъоми, бутун жамиятимиз фаровонлигининг муҳим манбаидир. Биз Оролбўйидаги улкан экологик ҳалокатни тугатишда бутун мамлакат иштирок этишидан умидвормиз.

Ўзбекистон партия, уруш ва меҳнат ветеранлари қайта қуришнинг барча вазифаларини ҳал этишда республика партия ташкилотининг содиқ ёрдамчилари бўлиб келдилар ва шундай бўлиб қоладилар.

Ҳурматли Михаил Сергеевич, республика ветеранлари фаоллари, Ўзбекистоннинг барча ветеранлари номидан Сизнинг фаолиятингизни чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз, қайта қуриш ғалабаси, бизнинг кўпмиллатли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи бахт-саодати йўлидаги меҳнатингизда Сизга куч-қувват, ишонч ва қатъият тилаймиз.

Ўзбекистон партия, уруш ва меҳнат ветеранлари иродасини бажо келтириб, Сизга чуқур ҳурмат билан,

Расул ҒУЛОМОВ,
Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика Кенгаши раиси, СССР халқ депутати.

ИШНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

1988 йилдаги 25 фоиз ўрнига 27 фоизни ташкил этди. Бултур жами саҳни 128,1 миллион квадрат метр келадиган 2,2 миллионта квартира қурилди. Шу беш йиллик мобайнида биринчи марта умуман мамлакат бўйича уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади. Аввалги йилга нисбатан 4,3 миллион квадрат метр камроқ уй-жой бинолари фойдаланиш учун топширилди.

Касалхона муассасаларидаги ўринлар йил давомида 64 мингта кўпайди, ҳар сменада 267 минг кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди. Диагностика марказлари тармоғи кенгайди. СПИД касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида вирусни аниқлаш учун қон текширадиган 800 тадан кўпроқ лаборатория очилди.

Мамлакатда 2,5 миллионта жиноят қайд этилди, бу эса аввалги йилга нисбатан 32 фоиз кўп. Ҳар етти жиноятнинг бири оғир жиноят бўлди, ҳар уч жиноятнинг бири очилмай қолмоқда. Жиноятчилик ҳамма жойда кўпайди. Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Молдавия, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаларининг бир қанча регионларида оммавий тартибсизликлар, жумладан ур-йиқитлар, вайронгарчиликлар, ўт қўйишлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар содир бўлди.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ҳаммаси бўлиб (шу жумладан ўрмон хўжалигига) 12 миллиард сўмдан кўпроқ харажат қилинди, шунинг 3 миллиард сўмдан ортиғи давлат капитал маблағларидир. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига хизмат қиладиган бир қанча йирик объектлар ишга туширилди. Шу билан бирга ўтказилган тадбирлар ҳамма ерда экология вазиятини яхшилашни таъминламади.

Ўтган йил фан-техника программаларини бажариш, ресурс тежалишини таъминлаш тадбирлари амалга оширилди. Физика, химия, биология, медицина соҳаларидаги 15 та илмий кашфиёт, 85 мингта ихтиро давлат рўйхатларида қайд этилди. Саноатда маҳсулотларнинг 4,4 мингта янги тури ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошланди.

Фан ва техникани ривожлантириш юзасидан 1989 йилги давлат буюртмаси 86 фоиз бажарилди. Ресурс тежалишида бурилиш рўй бермади.

Саноатда давлат буюртмасига ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартномавий мажбуриятлар 98,6 фоиз бажарилди. Истеъмолчиларга 10,6 миллиард сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Ҳар беш бирлашма ва корхонанинг бири шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминламади.

1989 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 1,7 фоизни ташкил этди, бир кечакундузда ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш 2,2 фоиз кўпайди. Ишлаб чиқариш ўсиши суръатларининг етарли эмаслиги асосан 1989 йилнинг иккинчи ярмида саноат қониқарсиз ишлаганлигининг оқибати бўлди.

Саноат «б» группаси маҳсулотининг кўпайиш суръатлари «а» группаси маҳсулотларидан анча ошганлиги ўтган йилнинг муҳим хусусияти бўлиб, бу нарса иқтисодиётнинг ижтимоий соҳа томон бурилишини акс эттиради. Умуман йил давомида «б» группасининг маҳсулоти 4,8 фоиз, «а» группасининг маҳсулоти 0,7 фоиз кўпайди.

Ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш 3,1 фоиз кўпайди. Саноат маҳсулоти кўпайишининг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ва ходимларнинг мутлақ сонини қисқартириш йўли билан таъминланди.

Улгуржи савдо ҳажми 1988 йилга нисбатан қарийб уч ҳисса ошди. Маҳсулотлар группаларининг 8 мингга яқин тури эркин савдога чиқарилди.

Янги корхоналар ва объектларнинг қувватларидан фойдаланишда ҳали ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Агросаноат комплекси маҳсулотининг жами ҳажми (таққослама нархларда) 475 миллиард сўмликни ташкил этди ва 1988 йилга нисбатан 1,9 фоиз кўпайди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини режалаштирилган миқдорда кўпайтиришга эришилмади. 1989 йилга мўлжалланган пландаги 6,6 фоиз ўрнига унинг ҳажми бир йил ичида атиги бир фоиз кўпайди. Умуман беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида қишлоқ хўжалигининг ўртача йиллик ялпи маҳсулот ҳажми шундан аввалги беш йилликка нисбатан шу давр учун беш йиллик планда белгиланган режалардаги 12,9 фоиз ўрнига 9,8 фоиз кўпайди. Жамоат қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги йил давомида 5 фоиз ошиб, ишловчилар сони 0,7 миллион киши камайди. 1989 йилда колхоз ва совхозларда 45 миллиард сўмдан кўпроқ фойда олинди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллиги 31 фоизни ташкил этди. Зарар кўрувчи хўжаликлар камайди.

1989 йилда мамлакатда дон, картошка, кунгабоқар етиштириш кўпайди, қанд лавлагидан мўл ҳосил олинди. Шу билан бирга сабзавот, узум ва пахта 1988 йилга нисбатан камроқ олинди. Давлат омборларига 59 миллион тонна, яъни давлат буюртмасида кўзда тутилганидан 27,3 миллион тонна камроқ дон топширилди.

1989 йилда умумиттифоқ фондига гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш плани 95 фоиз, сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш плани 99 фоиз бажарилди.

Агросаноат комплексини ривожлантиришга, шу жумладан қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган тармоқларни ривожлантиришга пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан салкам 67 миллиард сўм ёки халқ хўжалигидаги жами капитал маблағлар ҳажмининг 31 фоизи ишлатилди.

1989 йилда умуман халқ хўжалигида пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 219,4 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, 189,1 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Капитал қурилишни пул билан таъминлаш учун давлат капитал маблағлари умумий ҳажмида корхона ва ташкилотлар ўз маблағларининг улуши 1988 йилдаги 40 фоиздан 49 фоизга етди. Мавжуд ишлаб чиқариш аппаратини техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга давлатнинг 50,8 миллиард сўм капитал маблағи сарфланди (ҳамма маблағларнинг ярмига яқини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ишлатилди), бу шундан аввалги йилдагига нисбатан 3 фоиз кўпдир.

Бироқ давлат капитал маблағлари ҳисобидан (корхона ва ташкилотлар планлари йиғиндисига кўра) асосий фондларни ишга туширишнинг йиллик топшириғи 92 фоиз бажарилди. Энг муҳим ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг режаси бажарилмай қолди.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 108,7 миллиард сўмликни ёки планнинг 99,2 фоизини, ишга туширилган объектларда 46,9 миллиард сўмлик ёки 98 фоизни ташкил этди.

Қурилиш жабҳасини чеклашга оид чораларни рўёбга чиқаришга муваффақ бўлинмади. Қурилиш муддатлари норматив муддатлардан ҳамон икки ҳиссадан кўпроқ ортиқдир.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари 191,6 миллиард сўм капитал маблағни ёки лимитнинг 99,1 фоизини ўзлаштирди. Аввалги йилга нисбатан давлат капитал маблағларининг ҳажми 1,6 фоиз кўпайди. Умуман халқ хўжалигида фойдаланилган давлат капитал маблағининг ҳажми ишга туширилган асосий фондлардан анча кўп — 27,6 миллиард сўм ошди, бу эса чала қолган қурилишларнинг кўпайишига олиб келди.

Юкларни темир йўл транспорти орқали жўнатиш учун берилган давлат буюртмаси 16,8 миллион тонна миқдорида (0,7 фоиз) бажарилмай қолди.

Транспортнинг пассажир оборот аввалги йилга нисбатан бир фоиз ошиб, 1128 миллиард пассажир-километрни ташкил этди. Темир йўл транспорти планни 98,6 фоиз, авиация транспорти 104,5 фоиз бажарди. 1989 йилда умумий фойдаланишдаги транспортда 55,2 миллиард пассажир жўнатилди. Пассажирларни ташиш сифати яхшиланмади.

Ўтган йили ташқи савдо обороти 4,7 фоиз кўпайди. Мамлакатнинг чет элларга маҳсулот юбориши 68,2 миллиард сўмликни ташкил этиб, 1988 йилга нисбатан 1,1 миллиард сўмлик ёки 1,7 фоиз кўпайди. Чет эллардан 70,2 миллиард сўмлик ёки 1988 йилга нисбатан 7,9 фоиз кўп мол олинди.

1989 йилда савдо балансида 2 миллиард сўм салбий қолдиқ билан якунланди.

Чет элларга маҳсулот чиқариш йиллик плани 98 фоиз, эркин алмаштириладиган валюта ҳисобига — 91 фоиз бажарилди. Чет эллардан маҳсулот олиш йиллик плани 99 фоиз бажарилди. 1989 йилда чет эллардан машина ва ускуналар харид қилиш аввалги йилга нисбатан деярли кўпаймади, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шундай маҳсулотлар учун хом ашё келтириш кўпайди.

СССР территориясида 1274 та қўшма корхона қайд этилди. Уларни барпо этишда 60 та мамлакатнинг фирма ва ташкилотлари иштирок этди.

* * *

СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат планидан ва СССР Давлат бюджетидан, СССР халқ депутатлари иккинчи съездининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар барча меҳнат коллективлари ишининг самарадорлигини оширишни талаб қилади. Фақат виждонан қилинган, серунум меҳнатгина 1990 йилги тиғиз топшириқлар муваффақиятли бажарилишининг гарови бўлиши ва ўн учинчи беш йиллика мамлакатни самарали ривожлантириш учун моддий шарт-шароит яратиб бериши мумкин.

(ТАСС).

ТЎҚУВЧИЛАР ШИЖОАТИ

Қарши шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу ерда болалар ва эркаклар учун бежирим сифатли кўйлаклар тикиб чиқарилаётир.

Бунда биринчи цехнинг Мукаррам Пўлатова мастерлик қилаётган бригадаси тикувчилари олдинда боришяпти. Моҳир чеварлар мактабгача ёшдаги болалар учун жажжи кийимлар тикишади. Улар бир сменада 1100 дан ортиқ кўйлак тайёрлашга эришмоқдалар.

Суратда: шу бригаданинг аъзоларидан коммунист М. Муродова ва М. Муртазовалар мастер М. Пўлатова билан янги хил кўйлакларни кўздан кечирмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ОРОЛ ЮЗАСИДАН БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

НАЙРОБИ, 26 январь. ТАСС мухбири Юрий Герасимов хабар қилади: Бугун бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит программаси қароргоҳида атроф-муҳит программаси (ЮНЕП) билан СССР ўртасида Орол денгизини тиклаш юзасидан биргаликдаги тадбирлар тўғрисида битим имзоланди. ЮНЕПнинг ижрочи директори Мустафо Толба ва СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский имзолаган ҳужжатда Орол денгизи ҳавзасидаги атроф-муҳитни тиклаш мақсадида амалга ошириладиган аниқ ишлар режасини ишлаб чиқиш назарда тутилади. Ушбу вазифани ҳал этиш учун хорижий мутахассислар, СССР Фанлар академияси география институти ходимлари ҳамда яқинда ташкил этилган Орол денгизи маркази кучи билан ҳозирги экология ҳолатининг танглиги миқёсларини аниқлаш, уни бартараф этиш ва ягона ҳаракат дастурига айлантиришга доир муқобил усулларни белгилаб олиш кўзда тутилади. Бугун имзоланган битим худди шу вазифага мос тушади.

1960 йилдан 1987 йилгача денгиз сатҳи 12,9 метр пасайди, майдони 40 фоиз, ҳажми эса 66 фоиз қисқарди. СССР Олий Советининг 1989 йил 3 декабрдаги «Мамлакатни экологик соғломлаштиришнинг долзарб тадбирлари тўғрисида»ги қарорида хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда Оролбўйи табиий муҳитини тиклаш концепциясини ишлаб чиқишда конкурс ўтказиш таклифи айтилган эди. Бугун имзоланган битим ана шу вазифага мос тушади.

Лойиҳа райондаги аҳволни идорадан ташқари мустақил равишда экология экспертизасидан ўтказиш, икки йил ичида Оролни қутқариш режаларини ишлаб чиқиш ва бу соҳада хорижда орттирилган энг яхши тажрибалардан ЮНЕП имкониятлари воситасида фойдаланиш имконини беради.

М. Толбанинг ҳужжат имзолангандан сўнг айтганларига қараганда, ЮНЕП Орол лойиҳаси, ЮНЕП билан СССРнинг дастлабки қўшма лойиҳаси халқаро даражада мураккаб экология муаммоларини ҳал этиш намунаси бўлиши учун бор кучини сарфлайди. Уни амалга ошириш натижалари бўйича ривожланаётган мамлакатлар вакиллари учун ўқув курслари ташкил этилади. Лойиҳа, шунингдек жаҳондаги бошқа сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишга доир амалий ҳужжатларни тайёрлаш имконини ҳам яратади.

СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари ушбу лойиҳа — совет раҳбарияти олдинга сурган янги экология тафаккури концепциясини рўёбга чиқаришнинг, халқаро миқёсда атроф-муҳитни муҳофаза этишнинг мураккаб муаммоларини иложи борича тезроқ ҳал этишнинг ёрқин мисоли ва намунасидир, деб таъкидлади. В. Ф. Петровский халқаро Байкал маркази фаолиятида ЮНЕП мутахассислари иштирокидаги масалани ҳам бартараф этиш режалаштирилаётганлигини маълум қилди.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ХОРИЖДАН СОТИБ ОЛИШ ВА ХОРИЖГА ЧИҚАРИШ ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий давлат комиссияси 1989 йил 28 декабрда қарор қабул қилиб, СССР Министрлар Советининг 1989 йил 7 мартдаги 203-сонли қарорига мувофиқ лицензиялар билан экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар рўйхатини тўлдирди ва аниқлик киритди.

Шу қарорга мувофиқ тибет табобати маҳсулотларини экспорт қилишга лицензия бериш СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги зиммасига, СССР Министрлар Советининг 1989 йил 7 мартдаги 203-сонли қарорида кўрсатилган химия маҳсулотларини экспорт қилиш учун лицензия бериш СССР Нефть химияси саноати министрлиги зиммасига юкланди.

1990 йилда зотдор чорва молларни (қорамол ва қўй-эчкилар, чўчқаларни) импорт қилишга лицензия жорий этилди — лицензияларни СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги беради, шунингдек қизил ва сариқ фосфорни экспорт қилишга ҳам лицензия жорий этилди — лицензияларни «Агрохим» Давлат агрохимия уюшмаси беради.

СССР Божхона идораларига 1990 йил 1 февралидан бошлаб мазкур маҳсулотларни ана шу маҳсулотларни етказиб берувчиларда тегишли идора томонидан берилган лицензия бўлган тақдирдагина СССР давлат чегарасидан ўтказиш топширилди.

(ТАСС).

Озарбайжон ва Арманистондаги вазиятга доир

Озарбайжон ва Арманистондаги вазият аста-секин изга тушмоқда. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш кучлари, ички қўшинлар ва Совет Армиясининг бўлинмалари жамоатчилик ёрдамида вазиятни нормал изга солиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

✦ БОКУ

Узлуксиз циклли корхоналар, ҳаёт таъминоти билан боғлиқ объектлар куни билан тўла ишлади. Метро ишлаб турибди, жамоат транспорти асосан қатнай бошлади. Республика телевидениесининг иши қайтадан бошланди. СССР халқ депутати полковник Н. Петрушенко телефон орқали берилган саволларга жавоб қайтариб, маҳаллий радио орқали бевосита гапирди. Унинг бокуликлар билан мулоқоти рўй-рост амалий тусда бўлди.

Миллатлараро негизидаги тўқнашувлар рўй бермади. Тартиб ўрнатиш мақсадида запасдаги жангчиларнинг фаол иштирокида гражданларнинг кўнгилли қўшилмалари тузилмоқда.

Экстремист тўдалар ёлғон миш-мишлар тарқатиб, маҳаллий ҳокимият органлари обрўсига путур етказишга уриниб, вазиятни беқарор қилувчи таъсир ўтказмоқдалар. Гражданларни бўйсунмасликка даъват этувчи варақалар тарқатилмоқда. Масалан, экстремистларнинг «штаб»ларидан бири жойлашган Шмидт номли заводда ишгоғарлик мазмунидаги 10 мингга яқин варақа мусодара этилди.

Қўшинлар «тез ёрдам» машиналарининг, автотранспортнинг, озиқ-овқат саноати ва савдо корхоналарининг ишини таъминлаш учун Бокудаги машиналарга бензин қуйиш станцияларига кўплаб ёнилғи келтирганини аҳоли ижобий баҳолади. Республика алоқа структураси қўшинлар кучи билан тикланмоқда.

✦ ЛЕНКОРАН

Партия ва совет идораларининг фаолияти тикланди. Шаҳарда осойишталик, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишлаб турибди. Ленкоранда партия фаоллари ва шаҳар меҳнаткашларининг чегара отряди командирлари ва сиёсий ходимлари билан учрашуви бўлди. Биргаликда вазиятни барқарор этиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу жараёнга тўсқинлик қилишга уринган экстремистларни шаҳар аҳлининг ўзи хонадан чиқариб юборди.

✦ ХОНЛАР

Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари фаол олиб борилганлиги натижасида 26-27 январь кунлари «Мудофаа комитети» қуролли кишилари қурол-яроғларни топшира бошладилар. Бронетранспортёр, пиёдаларнинг жанговар машинаси, дўлга қарши ишлатиладиган 12 та тўп, 97 та автомат, 4 та карабин, 47 та кичик калибрли милтиқ қайтариб берилди. Республиканинг бошқа районларида ҳам қуролярроғларни қидириш ва топшириш давом этмоқда. Қуролларни ихтиёрий топширган шахсларга нисбатан ҳеч қандай жиноий таъқиб чоралари қўлланилмаяпти.

✦ НАХЧИВАН

Область партия комитетида Озаринформ мухбирига хабар қилишларича, автоном республикадаги вазият изга тушмоқда. Барча саноат ва қурилиш корхонлари ва ташкилотлари ишлаб турибди, транспорт нормал қатнамоқда. Бир ҳафталик узилишдан кейин область газетаси яна чиқа бошлади.

Давлат хавфсизлиги комитети органлари Озарбайжон халқ фронти экстремистик қаноати фаолиятини тергов қилиш чоғида Ильич район «халқ фронти» ҳайъатининг ёнида қурол бўлган раҳбарлари Ф. Оллобердиев ва Н. Асадов, шунингдек «халқ фронти»нинг Бокудаги ячейкаси раҳбарларидан бири сохта паспорт ва гувоҳнома билан юрган Х. Исмайлов қўлга олинди. Тергов олиб борилмоқда.

Айни пайтда Нахчиван АССРдаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди.

✦ ГАНЖА

Қурол-яроғларни ихтиёрий равишда топшириш давом этмоқда. Ҳаёт ўз изига тушмоқда. Икки кундан буён митинглар бўлмаяпти, озиқ-овқат саноати корхоналари, транспорт, маиший хизмат корхоналари ишлаб турибди. Магазинларга озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилмоқда. Шаҳар атрофида электр поездлар қатнай бошлади. Шаҳар газеталари чиқмоқда.

Лекин шаҳардаги кўп корхоналар ҳали ишламаяпти. Тош, цемент, бошқа биноқорлик материаллари йўқлиги сабабли қурилишлар тўхтаб қолди. Ахсу-Ганжа сув қувурининг шикастланган жойи ҳали тиклангани йўқ.

✦ ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ АВТОНОМ ОБЛАСТИ

Автомобиль ҳаракати тикланди. Степанакертда бу ерга келган Тоғли Қорабоғ областидаги вазиятни нормаллаштириш республика ташкилот комитети вакиллари ҳарбий қўмондонлик билан учрашдилар. Миллатлараро можароларга йўл қўймаслик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Керкижон посёлкасида экстремистларнинг кўплаб озиқ-овқат ғамлаб қўйилган таянч пунктлари топилди. Хонаки тўп, ов милтиқлари, 500 тадан ортиқ ўқ, 6 килограмм сочма ўқ, совуқ қуроллар тортиб олинди.

✦ МИНГЕЧАУР

Узлуксиз ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар, соғлиқни сақлаш объектлари, мактаблар, болалар боғчалари, нон заводи, озиқ-овқат магазинлари, бозорлар, транспорт ишламоқда. Шаҳардаги тартибни сақлашда маҳаллий аҳоли, шу жумладан ишчи милиция отрядлари фаол қатнашмоқда.

✦ НЕФТЕЧАЛА

Барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар одатдаги режимда ишламоқда. Вазият тўла назорат қилиб турилибди. 28 январга ўтар кечаси райондаги экстремистлар «штаби» тугатилди. Икки юзтадан кўпроқ қурол мусодара қилинди.

✦ ХАЧМАС

Озарбайжон миллий фронти экстремистлари 27 январь куни шаҳардаги мачитга бостириб кириб, пул талаб қилдилар. Жиноятчилар мачитни портлатиб юборамиз, деб аҳоли эҳсон қилган 27 минг 700 сўмни ўғирлаб кетдилар.

✦ ШЕКИ

Нон комбинати, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш объектларининг бир қисми, алоқа ишлаб турибди. Лекин Озарбайжон ипак саноатининг асосий корхонаси — В. И. Ленин номли шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси, бир қанча бошқа саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ҳали ишга тушгани йўқ.

● АРМАНИСТОН ССРда ўтган кунда дўлга қарши ишлатиладиган қурол ва унинг 200 та снаряди, автомат, 8 та тўппонча, наган, 4 та милтиқ қайтариб берилди. Шу билан бир вақтда республиканинг бир қанча районларида жанговар группалар тузилмоқда. Қуролларни ўғирлаш давом этмоқда. Хонаки зирхли камзуллар, милтиқлар ва милтиқ учун оптик нишонга олиш мосламалари тайёрлашга уринилмоқда. Кўп миқдордаги қурол-яроғ ўғирланганлиги, улар жиноий унсурлар қўлига ўтаётганлиги сабабли республикада ташвиш кучаймоқда. Норасмий ташкилотларнинг раҳбарлари агар улар бундан буён ҳам ўғирланган ёки тортиб олинган қурол-яроғларни ихтиёрий равишда топширишга тўсқинлик қиладиган бўлсалар, регионда юз берган танглик учун уларнинг ўз халқи олдидаги масъулияти яна да ортишини тушуниб олишлари керак.

Совет—Эрон чегарасидан олинган хабарларда аҳоли региондаги ишларнинг аҳволини англаб етаётганлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Деҳқонлар ва ишчилар, ветеранлар, хўжаликлар ва корхоналарнинг раҳбарлари ёрдам беришни, экстремистлардан ҳимоя қилишни илтимос қилиб, чегара қўшинлари қўмондонлиги ва сиёсий органларига мурожаат қилмоқдалар. Масалан, Озарбайжоннинг Жалилобод районида «халқ фронти» одамлари аҳолидан мунтазам пул талаб қилмоқдалар. Бу эса ғазабни қўзғатмоқда. Чегарага яқин жойлашган бир қанча қишлоқларнинг аҳолиси ўзларини "жиноятчиларнинг қуружларидан ҳимоя қилиш учун кўнгилли халқ дружиналари туздилар.

Ўтган кун давомида чегарани бузиб ўтган 80 киши қўлга олинди. Икки нафар контрабандистдан салкам икки миллион эрон риали, ўнлаб қўл соати ва совет пули мусодара қилинди. (ТАСС).

• ТАБИАТ ВА ИНСОН

КЕЛАЖАК ОЛДИДА ҚАРЗДОРМИЗ

Инсон дунёга келибдики, табиат бағрида ҳаёт кечиради. Табиатнинг бебаҳо инъомларидан, чексиз саховатидан баҳраманд бўлиб яшайди. Донишмандлар табиатнинг қудрати, унинг беҳисоб бойликлари ҳақида, табиатни доим эъзозлаш, унинг қадрига етиш, ҳеч қачон табиатга зарар етказмаслик, беодоблик қилмаслик тўғрисида жуда кўп қимматли сўзларни айтганлар, панду насиҳатлар қилганлар. Буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Сино «Агар чанг, ғубор бўлмаса инсон минг йил яшайди» деб бежиз айтмаган. Ўтмиш авлод-аждодларимиз, донишмандларимиз ўгитларини дилга жо қилиб, унга амал қилмасликни катта гуноҳ деб билганлар.

Хўш, нега ҳозирга келиб, табиат бу қадар ночор аҳволга тушиб қолди? Нега она-табиатга нисбатан меҳр-шафқат йўқолди? Эндиликда бу вазият бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёда кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Катта-кичик давлатлар экология соҳасида юзага келган аянчли аҳволнинг олдини олиш чораларини қидирмоқдалар.

Ҳозир комитетимизда 80 га яқин киши ишлаб турибди. Улар асосан олий ва ўрта махсус маълумотли, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида маълум даражада тажрибага эга бўлган кишилардир. Комитет составида ер-сув ресурслари, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бўйича бўлимлар, марказий лаборатория, районлараро ва Андижон шаҳрида алоҳида инспекциялар иш олиб бормоқда.

Комитет иш бошлаган дастлабки ойлардаёқ, биринчи навбатда областда табиатни муҳофаза қилишнинг аҳволини имкон борича яхшироқ ўрганиб, таҳлил қилиш, экология ҳақидаги қонунлар қаерда ва кимлар томонидан бузилаётгани тўғрисидаги аниқ маълумотларни тўплашга, ўз ҳуқуқимиз доирасида зарур чораларни кўришга интилдик. Ўтган ойлар ичида инспекция ходимларимиз область бўйича қарийб 1700 марта текшириш ўтказдилар. Тегишли қонун ва қарорларга риоя қилмаётган корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларга 90 минг сўм атрофида, у ёки бу объект учун бевосита жавобгар бўлган шахслардан 161 кишига 8415 сўм миқдорида жарима солдик. Экологияга шафқатсиз путур етказаётган цехлардан 43 таси ёпиб қўйилди.

Фаолиятимизда кенг жамоатчиликнинг ёрдамига таянишга интиляпмиз. Шу мақсадда комитет қошида 35 кишидан иборат жамоат кенгаши тузилди. У турли касб эгалари, мутахассислардан иборат. Энг муҳими, уларнинг меҳнат фаолияти, иш соҳаси кўп жиҳатдан табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари билан боғланган.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳоли ўртасида экологик билим ва тушунчаларни кенг пропаганда қилишга, айниқса ёшларни табиатни севиш руҳида тарбиялашга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам комитетимиз составида фан-техника тараққиёти ютуқлари ва ташвиқот-тарғибот ишлари бўйича махсус бўлим ташкил этилган. Мазкур бўлим биринчи навбатда билим жамияти, маданий-оқартув муассасалари, комосмол ва пионер ташкилотлари, маҳалла комитетлари ва оммавий ахборот органлари билан яқин алоқада ва ҳамкорликда иш олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бу ишда бизга пропагандистлар, табиатни муҳофаза қилиш ва «Билим» жамиятлари, ўрмон хўжалиги ходимлари, институтлар, билим юртлари ва мактабларнинг табиатдан дарс берувчи ўқитувчилари катта ёрдам бермоқдалар. Газеталарда мақолалар эълон қилишдан ташқари, область, район радио комитетлари ва колхоз-совхозларнинг радио узелларидан, табиатга доир киножурналлардан фойдаланмоқдамиз. Булардан ташқари, комитет қошида жамоатчилик асосида агитгруппа, матбуот маркази, радиолекторий ва агитмашина ташкил этдик.

Кейинги вақтда экология масаласи область партия комитети, область ижроия комитетида ва область агросаноат комитетида тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Область ижроия комитети табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар областда қандай бажарилаётгани ҳақидаги масалани биринчи марта область Совети сессияси муҳокамасига қўйди. Август ойида комитетимиз базасида табитани муҳофаза қилиш ходимларининг республика семинари бўлиб ўтди. Бу анжуман биз учун ҳам тажриба алмашув мактаби бўлди. Буларнинг ҳаммаси умумий ишимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида областда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига ўтган йиллардагидан анча кўп маблағ сарфланди.

Аммо шуни ачиниш билан таъкидлаш керакки, областимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ишлари ҳамон ночор аҳволда. Бу мақсадлар учун миллион сўмлаб маблағ ажратилаётганига, янги-янги қонун ва қарорлар қабул қилинаётганига, назорат ишлари кучайтирилаётганига қарамай, ер ва сувдан ўринсиз фойдаланиш, табиий ресурсларни талон-тарож қилиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига нисбатан шафқатсизлик қилиш, сувни ва атмосфера ҳавосини ифлослантириш, санитария-гигиена қоидаларига эътибор бермаслик ҳоллари давом этиб келмоқда. Энг ёмони шундаки, айрим раҳбар ходимлар табиатга нисбатан муносабатларини ўзгартирганлари йўқ ва ҳамон эскича иш юритиб, тегишли қонун ва қоидаларни бажаришга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Областда юзлаб ишлаб чиқариш объектлари мавжуд бўлгани ҳолда, улардан фақат 49 тасида сувни тозалаб берадиган иншоот қурилган, уларнинг ҳам 27 таси ишламайди. Бунинг сабаби, кўплаб корхона ва ташкилотларда шундай объектлар қуриш учун ажратилган маблағлардан мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқда. Масалан, ўтган йил учун берилган маблағнинг 29 фоизи ишлатилмай қолиб кетди. Бу йил ҳам аҳвол яхши эмас. Бунинг устига айрим корхоналарнинг раҳбарлари бу ишга иккинчи даражали иш сифатида қараб, мавжуд иншоотларни ҳам турли баҳоналар билан ишлатмайдилар. Оқибатда ҳар ойда завод, фабрика, чорва фермалари, даволаш муассасалари ва бошқа объектлардан 180 минг кубометр тозаланмаган, чиқинди сувлар дарёларга, бошқа очиқ сув ҳавзаларига оқизилмоқда.

Сув манбалари ва ҳавони энг кўп ифлослантираётган корхоналардан бири — Андижон гидролиз заводидир. Бундан ташқари, завод планини ҳам бажаролмай давлатга катта зарар келтирмоқда. Бу корхонани ёпиш ёки уни бошқа турда маҳсулот чиқаришга мослаштириш масаласи аллақачон министрликлар олдига қўйилган бўлишига қарамай, ҳамон ҳал қилмай келмоқда.

Областда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан берилган топшириқлар ҳам қониқарсиз бажарилмоқда. Агротехника қоидаларини бузиш, пахта майдонларини бошқа экин лар, боғлар ҳисобига кенгайтириб, муттасил чигит экиш оқибатида ерлар қувватсиз, кам ҳосил берадиган ҳолга келтириб қўйилган. Мутахассисларнинг фикрича, областдаги суғориладиган экин майдонларининг 40 фоизидан зиёдроқ қисмида ҳосилдорликни оширишда энг зарур ҳисобланган чиринди ер таркибида 1 фоизни, 44 минг гектар ерда эса 0,5 фоизни ташкил этади, суғориладиган майдонларнинг 40 фоизи эрозия билан зарарланган, шўрланган ерларнинг 70 фоизи эса вилт билан касалланмоқда.

Пахта майдонларига солинадиган азот нормаси асоссиз равишда ошириб юборилмоқда. Олтинкўл, Бўз, Марҳамат районларидаги хўжаликларда ерга аммиак нормадагидан 300-400 килограммдан кўп селитраси солинмоқда. Областда пахта етиштириш учун сарфланадиган азот нормаси йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Сабзавот ва полиз экинлари эқиладиган хўжаликларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Шундай экан, эндиликда биз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг, турли ноз-неъматларнинг биронтаси химия моддалари билан заҳарланмаганига ким кафолат бера олади?

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш системасини такомиллаштириш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг хавфсиз усулларини қўллаш ишлари сустлик билан амалга оширилмоқда. Шунингдек, химиявий препаратларни ва ўғитларни сув манбаига яқин, очиқ майдонларда, мослаштирилмаган яроқсиз биноларда сақланиши кишилар саломатлиги учун жиддий хавф туғдиришини баъзи хўжалик раҳбарлари тушунмаётирлар.

Табиатни муҳофаза қилишда канализациянинг роли катта. Аммо бу тармоқдаги ишлар жуда секинлик билан ривожланмоқда. Буни шундан билиш мумкинки, ҳозирги вақтда Андижон шаҳридаги халқ хўжалиги ва маданий-маиший объектларнинг фақат 30 фоизи, Ленинск шаҳрида эса 10 фоизи канализациялаштирилган, холос.

Экология муҳитини яхшилаш ва меҳнаткашларнинг саломатлигини сақлаш кўп жиҳатдан аҳолини тоза ичимлик сув билан мунтазам таъминлашга боғлиқдир. Афсуски, бу соҳа ҳам областимизда энг қолоқ участкага айланган. Бошқача айтганда, водопровод шохобчаларининг ўсиши аҳолининг эҳтиёжидан бир неча марта орқада қолмоқда. Ҳозирги кунларда Андижон шаҳрида водопровод суви маҳаллаларга куннинг маълум соатларидагина график асосида берилади. Баъзи массивларга ичимлик сув фақат цистерналарда халқнинг пули ҳисобидан олиб борилади.

Республика ва иттифоқ ҳукумати областимиз аҳолиси талабини эътиборга олиб, шаҳар ва районларга Андижон сув омборидан сув келтириш планини тузиб чиқди. Бу яхши, бироқ ана шу лойиҳани амалга ошириш учун яна анча йиллар кутишга тўғри келади.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, кишилар саломатлигини сақлашга қаратилган программада ҳавонинг доим мусаффо бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида ўрин берилган. Шунга қарамай, областимизда атмосфера ҳавосининг газ ва чанг билан ифлосланиши ҳамон юқори даражада сақланиб қолмоқда. Аниқ маълумотларга кўра, областда ҳар йили ҳавога тарқалаётган зарарли моддалар 25 минг тоннани ташкил этади.

Атмосфера ҳавосининг булғанишига энг кўп сабабчи бўлаётган объектлар Андижон машинасозлик, электроэнергия, химия, енгил ва қурилиш материаллари саноати, темир йўл ва автомобиль транспорти корхоналаридир. Бундай корхоналарнинг 40 таси Андижон шаҳрига жойлашган. Ҳолбуки, Андижон шаҳри аҳолиси зич жойлашиши жиҳатидан республикадагина эмас, ҳатто Иттифоқ миқёсида олдинги ўринда туради.

Шу йилнинг биринчи ярмида Андижон шаҳри бўйича ҳавога 12 минг тонна ҳар хил зарарли модда, жумладан 1250 тонна олтингугурт оксиди тарқатилгани аниқланди. Андижон машинасозлик заводи бўйича ҳар соатда газ, олтингугурт иси ва чангдан иборат 300 кубометр ифлос ҳаво шаҳарга тарқатилмоқда. Андижон районидаги Киров номли колхознинг Баҳрин чеки маҳалласи аҳолиси ҳам ана шундай хавфли вазиятни бошидан кечирмоқда. Чунки Ҳакан адирларида жойлашган ғишт ва охак заводларидан кеча-кундуз давомида чиқиб турадиган бадбўй газ ҳиди ва ифлос ҳаво оқими турли юқумли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келяпти. Ахир, бундай вазиятдан ташвишланмасдан бўладими?

Бир вақтлар Андижон республикамизнинг энг гўзал, кўркам, боғу-роғларга бурканган маданий марказларидан бири сифатида ном чиқарган эди. Биз бу билан фахрланардик. Энди бўлса, областимиз ободончилик ва санитария тозалиги жиҳатидан Фарғона водийсида охирги ўринга тушиб қолганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Очиғи, бу соҳада умуман ҳеч иш қилинмаяпти, деб айтиш нотўғри бўлур эди. Кейинги йилларда пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига янги боғ ва узумзорлар барпо этилмоқда, мавжудларини парвариш қилишга эътибор кучайтирилди. Аммо бу билан сира қаноатланиб бўлмайди. Айниқса, шаҳар ва район марказларида одамлар сайр қилиб, мусаффо ҳаводан нафас оладиган кўкаламзор майдонлар, хиёбонлар, гулзорлар жуда оз. Ҳатто Андижон шаҳридаги завод ва фабрикалар қошидаги маданият ва истироҳат боғлари ҳам тугатиб юборилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз ҳар биримиз она-табиат олдида, келажак авлод олдида қарздормиз. Бу қарзни узиш учун эса кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда областимиз аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш, инсон саломатлигини асрашга ундаган овозлари баралла янграмоқда. Бунга бизни партия ва давлатимиз, ҳаётнинг ўзи, қолаверса, инсоний бурчимиз ва виждонимиз даъват этмоқда.

Ж. КАТТАХУЖАЕВ,
Андижон область табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси.

АСАЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Самарқанд областидаги Каблуков номли асаларичилик совхозининг коллективи аҳолига асал етказиб бериш йўлида фидокорлик кўрсатиб келмоқда. Хўжаликнинг кўпчилик илғор бригадаларн бу борада яхши кўрсаткичларни қўлга киритишяпти. Булар орасида Абдуҳаким Ҳамидов бошлиқ бригада аъзоларн эришаётган ютуқлар, айниқса диққатга сазовордир. Бу бригада салкам минг уя асаларининг ҳар биридан 18 килограммдан сифатли маҳсулот олиш учун курашмоқда. Шу бригаданинг аъзоси, моҳир асаларичи Ғани Жалилов 130 уя асаларини парваришг қилаётир.

Суратда: асаларн оилаларн акс эттирилган.

Ғ. АЛИЕВ суратн.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

● ФАРҒОНА

Риштон районидаги «Ленинград» совхозида совлиқлар қўзилай бошлади. Хўжаликнинг Тўйчибой Қўнғиров, Асқарали Ғаниев, Шодибек Таллиев бош чўпонлик қилаётган отарларида ҳар куни 15—20 тадан қўзи олинмоқда. Уларнинг нияти бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи олиш.

Б. ДАДАЖОНОВ.

* * *

Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхози чорвадорлари қишда ҳам сигирлар маҳсулдорлигини ошириб бормоқдалар. Ҳ. Шокирова, Б. Тошпўлатова, О. Шокирова сингари сигир соғувчилар мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

М. ДАВРОНОВ.

* * *

Шу райондаги Ғ. Ғулом номли колхознинг Н. Ҳамидов бошлиқ бригадаси деҳқонлари айни кунларда далаларга маҳаллий ўғит чиқариш ишларини қизитиб юбордилар. Далага кунига 4—5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилмоқда.

Р. ҲАМИДОВ.

● САМАРҚАНД

Пайариқ районидаги Киров номли совхоз қўйчивонлари қишловни намунали ўтказишмоқда. Мавжуд 15 минг бош қўй-қўзи яхши парвариш қилинмоқда. С. Қорақулов, О. Кўманов, Қ. Ўринбоев, Э. Эшқувватов бош чўпонлик қилаётган отарларда қишлов беталофат ўтмоқда. Ҳозир улар қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Я. НУРИДДИНОВ.

● СУРХОНДАРЁ

Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозининг 1-бўлими деҳқонлари ўтган йили ҳар гектар ердан 37,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни бажаришди. Бундан ташқари эл дастурхонига кўплаб полиз маҳсулотлари етказиб берилди. Ҳозир бу ерда кўкламга тайёргарлик ишлари қизғин. Далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, сув йўлларини тозалаш ишлари авж олдириб юборилган.

Т. ШАРИПОВ.

* * *

Жарқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозининг Абдуназар Аллабердиев бошлиқ бригадаси аъзолари даланинг ҳар гектарига 15—18 тоннадан маҳаллий ўғит чиқаришди. Ариқлар, зовурлар тозаланди. Коллективнинг мақсади — бу йил ҳосилдорликни 43 центнерданга етказиш.

М. РАҲМОНОВ.

● ҚҚАССР

Тўрткўл районидаги «Ёнбошқалъа» совхозининг чорвадорлари айни пайтда қишловни беталофат ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Хўжаликда ўтган йили давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари ортиғи билан бажарилганди. Илғорлар бу йилги қишловни ҳам намунали ўтказиб, эл дастурхонига кўплаб чорва маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилишган.

А. БЕЮКОНОВ.

● ҚАШҚАДАРЁ

Қамаши районидаги паррандачилик фабрикаси коллективи хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаш туфайли муайян ютуқларга эришмоқда. Улар ўтган йили халқимизга 2200 тонна парҳез гўшт етказиб беришганди. Айни кунларда паррандабоқарлар маҳсулдорликни янада ошириш йўлида астойдил меҳнат қилишаётир.

Н. ГАНЧЕВ.

• Фан—қишлоқ хўжалигига

Маълумки, республикамиз шароитида саноат ишлаб чиқариши ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларини кенг ривожлантиришни сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса экинларни суғормасдан юқори ҳосил олишнинг иложи йўқ. Бу эса суғориш учун кўплаб миқдорда сув сарфлашни тақозо этади. Шу кунга келиб Ўзбекистонда қарийб 3 миллион гектар суғориладиган майдон бўлиб, уларга сарфланадиган сув миқдори йилига 40 миллиард куб метрдан ортиқдир.

ҲАМ ТОЗАЛАЙДИ, ҲАМ ТЎЙДИРАДИ

ОЛИМЛАР ТАКЛИФ ЭТАЁТГАН СУВ ЎТЛАРИ ШУНДАЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА

Кейинги йилларда очиқ сув ҳавзаларимиз саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлатилган чиқинди сувлари билан ғоят даражада ифлосланиб кетмоқда. Пировард натижада бу сув халқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга тушмоқда. Оқава сувлар таркибида эса нефть маҳсулотлари, турли маъданлар, касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар, қишлоқ хўжалигида эса экинлар касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашда қўлланиладиган турли заҳарли химикатлар кўп.

Очиғини айтиш керакки, шу даврга қадар жаҳон миқёсида сув таркибидаги турли моддаларни тўла-тўкис ажратиб олиш ёки ушлаб қолишнинг самарали усули ишлаб чиқилмаган. **Оқава сувларни индустриал негизда тозалаш эса уни халқ хўжалигида қайта фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтиришга етарли даражада кафолат беролмайди. Шу боисдан кейинги йилларда оқава сувларни тозалашда биологик усулдан кенг фойдаланиш зарур. Бу усулда тозалаш бир томондан арзон ва қулай бўлса, иккинчи томондан айни жараён учун таннархи қиммат бўлган тозалаш иншоотлари ўрнига сув тўлдирилган оддий ҳовузлардан фойдаланилади.**

Ифлосланган сувларни ҳовузларда тозалаш жараёнида асосан яшил сув ўтлари, микроорганизмлар ҳамда баланд ўсадиган сув ўсимликлари иштирок этади. Булар ичида айниқса баланд сув ўсимликлари зиммасига кўпгина жараёнлар тўғри келади. Улар ўзларининг қалин ўсган поялари ва бақувват илдизлари билан оқинди сув таркибидаги йирик ва муаллақ зарраларни ушлаб қолади, сув таркибидаги айрим моддалардан озиқ сифатида фойдаланади, қуёш нури таъсирида соф кислородни танаси, барги ва илдизи орқали сувга беради. Бундан ташқари касаллик келтириб чиқарувчи бактерияларга қирон келтиради.

Сув сумбуласи.

Сутчўп.



Азолла.

Шу боис кейинги йилларда сув ўсимликларига бўлган қизиқиш янада ортиб бормоқда. Уларнинг серҳосил ҳамда оқсил, каротин ва бошқа элементларга бой озуқабоп турлари ҳам кўп. Бу жиҳатдан улар қуруқликда ўсувчи ҳар қандай озуқабоп экинлардан қолишмайди.

Мана, бир неча йилдирки Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти ходимлари оқава сувларни тозалашда қўл келадиган, юқори ҳосилли ўсимлик турларини аниқлаш, уларнинг маълум даражада ифлосланган оқава сувларда ўса оладиган чидамли турларини яратиш, четдан келтирилган нодир сув ўсимликларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш ҳамда улардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг фойдаланиш устида самарали иш олиб бормоқдалар. Ана шундай изланишлар натижасида айрим нодир ўсимликлар: эйхорния (сув сумбуласи), пистия (сутчўп) ҳамда азолла сингари тропик ўсимликларни маҳаллий шароитга мослаштиришга муваффақ бўлинди. Бу ўсимликлар Чирчиқдаги электрохимия комбинатининг оқава сувларини биологик усулда тозалашда айниқса қўл келди. Айни ўсимликлар иштирокида мазкур оқава сувлар 5-6 кун мобайнида азот, сульфат ва бошқа заҳарли моддалардан бутунлай тозаланаётир. Ўсимликлар бу моддаларни ўзларининг бақувват илдизлари орқали сингдириб, сувни покиза ҳолига қайтармоқда ва айни пайтда юз фоиз тозаланган оқинди сув тўғридан-тўғри фойдаланиш учун Чирчиқ дарёсига оқизилмоқда.

Ўсимликлардан оқава сувларни тозалашда фойдаланиш билан бир вақтда оқсил, витамин ва бошқа биологик актив моддаларга бой бўлган биомасса ҳам олиш мумкин. Олинган ўсимлик массасини термик ишловдан ўтказгандан сўнг чорва молларнинг озуқа рационида қўшимча равишда фойдаланса бўлади. Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, асосий озуқа рационига 4-5 килограмм эйхорния қўшиб берилганда қорамоллар одатдагига қараганда 16-18 фоиз қўшимча вазнга эга бўлди.

Бу хосиятли ўсимликларни зовурлар сувини тозалаш, уларни қайта фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтиришда ҳам кенг қўлланиш мумкин. **Сирдарё областининг қатор хўжаликларида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, таркибида азот, сульфат, хлорид ҳамда заҳарли дефолиантлар бўлган коллектор-зовур сувларида ўстирилган эйхорния ва пистия 2-3 кун мобайнида шу моддаларни ўзлаштириш ёки бошқа шаклга ўтказиш орқали сувни соф ҳолга келтиради.** Таркибида турли моддалар бўлган айрим оқава сувлар сув ўтлари учун жуда яхши озиқ муҳити бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитда ўсган эйхорния ва пистия вегетация даврида (апрель-октябрь) гектар ҳисобида 280-320 тонна яшил масса вужудга келтиради.

Эйхорния ва пистияни паррандачиликда қўллаш янги истиқболлар очиб бермоқда. Бу ўсимликлардан ўрдакчилик ва ғозчилик хўжаликларида фойдаланиш айниқса катта самара бермоқда. Чунончи, Чиноз районида ташкил этилган «Ғозчилик-ўрдакчилик кооперативи»да олиб борилган тадқиқотлар қувончли натижалар бермоқда. Озуқа рационига эйхорния ва пистия ўсимлиги қўшиб берилган группаларда паррандалар вазнининг кундалик ортиши одатдаги группаларга қараганда 17-19 процентни ташкил этди. Сув ўсимликлари фақатгина қўшимча озуқа манбаи бўлибгина қолмай, шу билан биргаликда паррандалар боқиладиган сув ҳавзалари тозалигини ҳам таъминлайди.

Юқорида тилга олинган ўсимликлар ичида азолла тўғрисида алоҳида тўхталишга тўғри келади. У сув бетида қалқиб ҳаёт кечирувчи кўп йиллик ўт. Уни мажозий маънода сув папоротниги ҳам дейилади. У бармоқ учидек катталикда бўлиб, учбурчак япроқсимон шаклга эга.

Бу ўсимликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳаводаги соф азотни ўзида тўпловчи сув ўти анабена билан ҳамкорликда ҳаёт кечиради. Унинг бу ажойиб хусусиятини яхши билган Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларининг деҳқонлари азалдан шоличиликда ҳосилдорликни оширувчи омил сифатида фойдаланиб келадилар.

Азолла турли фойдали моддаларга бой ўсимлик. Унинг таркибида 18,2—32,5 фоиз оқсил, 38,—47,6 фоиз каротин ва жуда кўп микроэлементлар мавжуд.

Ўсимлик қулай шароитларда жуда тез кўпайиш хусусиятига эга. Етарли озуқа муҳити билан таъминланган сув ҳавзаларида ўстирилган азолла 5-7 кун мобайнида ҳар бир квадрат метр майдон ҳисобига 1,3-1,9 килограмм яшил масса ҳосил қилиши мумкин.

Мана бир неча йилдирки, олимларимиз азолланинг маҳаллий шароитга мослашган серҳосил ҳамда кўп азот тўплайдиган навларини яратиш, ундан халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг фойдаланиш устида тинмай тадқиқотлар олиб бормоқдалар. **Олиб борилган дастлабки изланишлар шуни кўрсатдики, азолла Ўзбекистон шолипояларида жуда яхши ўсар экан.**

Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозида олиб борилган тажрибалар, айниқса, қувончли натижалар берди. Бевосита шолипояларга экилган азолла икки томонлама наф келтирди. Биринчидан, у ҳаводаги соф азотни тўплаб, уни илдизи орқали сувга бериб шолини азотга бўлган эҳтиёжини таъминлашга кўмаклашса, иккинчи томондан у шолипояда ўсиб, қалин қатлам вужудга келтириш билан шоличиликда кўплаб зиён келтирувчи сув ўтларидан иборат пўпанакларнинг ривожланишига йўл қўймайди. Шу билан бирга у келгуси йил ҳосили учун ҳам замин тайёрлайди. Чунки ёз давомида вужудга келган ўсимлик массаси шоли пишиб етилгандан сўнг тупроқ бетида қолади ва кузги шудгорлашда тупроқ билан аралашиб чирийди ҳамда уни азот билан бойитади.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, шолипояларда ўстирилган азолла ҳар гектар майдон ҳисобига суткасига 1,2-3,5 килограмм азот вужудга келтирар экан. Натижада азолла ўстирилган майдонлардан оддий шароитдагига нисбатан 16-18 процент қўшимча ҳосил олинди.

Эйхорния, пистия ва азоллалар келажаги порлоқ сув ўтларидан ҳисобланади, улардан умидимиз катта. Келажакда улардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида, жумладан чорвачиликда, паррандачиликда, балиқчиликда ва деҳқончиликда кенг фойдаланиш мумкин.

Ў. ПРАТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг директори, биология фанлари доктори.

Э. ЮНУСОВ,
институт катта илмий ходими, биология фанлари номзоди.

• Бетга айтганнинг заҳри йўқ

ШУ ҲАМ БИНОМИ?

Қамаши район Ногаҳон қишлоғида нурай-нурай деб турган бир бино бор. Бу — бизнинг алоқа бўлимимиз. Бинонинг ташқарисидан қараган одам уни товуқхона дейиши турган гап. Пастаккина, лойшувоқ томида доим тиканлар ўсиб, қовжираб ётади. Эшик-деразалар ҳам ўзига яраша. Бинонинг ичига кирган одамнинг тани жунжикиб, захдан шамоллаши ҳеч гап эмас. Иситилмайдиган, полсиз, томидан доим чакка ўтадиган бу алоқа бўлимини янгилаш ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Газета ва журналлар намиқиб, бирпасда сифатини йўқотмоқда. Наҳотки ҳозир ҳам тегишли ташкилотлар одамларга хизмат кўрсатадиган, уларга зиё ва қувонч улашадиган масканга панжа орасидан қарашса?

Р. МЕНГИРОВ, яна уч имзо.

ВАЪДА ВАЪДАЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Биз Тошкентда янги қурилган Калинин массивида истиқомат қиламиз. Массивимиз халқа йўлнинг ёқасида жойлашган. Шунинг учун ишчи-хизматчиларнинг шаҳарнинг турли бурчакларидаги хизмат жойларига ўз вақтида етиб боришлари учун аввало транспорт ҳаракати намунали бўлиши лозим.

Аммо биздаги аҳвол ниҳоятда ёмон. Маршрутлар сони чекланган.

Калинин — 2 массивида яшовчи кўпчилик аҳоли бир километрдан ортиқ йўл юриб, ҳалқа йўлидаги бекатгача боришга мажбур бўлмоқда. Бундан бир ой олдин райондаги уй комитетлари раислари йиғилишида Октябрь район ижроия комитети раиси ўртоқ Ҳ. Усмонова Калинин—2 массивида нон билан савдо қилувчи дўкон очиб берамиз, чироқларни ёқиб берамиз, 17-уйгача машина юрадиган йўл қилиб берамиз деб, ваъда берган эди. Лекин ваъда ҳануз бажарилмади.

«Калинин массиви — Октябрь колхоз бозори», «Калинин массиви — Ленин майдони метро станцияси», «Калинин массиви — Аэропорт» оралиғида маршрут автобуслари қатнови йўлга қўйилса, айни муддао бўларди.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасидаги ўртоқлар шу массивгача трамвай изларини узайтирадилар, троллейбус қатнайдиган маршрут очадилар, деб умид қиламиз.

Р. ИНОҒОМОВ,
Уй комитети раиси.

Иғвогар қамоққа олинди

Яқинда Москвада ҳуқуқ-тартибот органлари Озарбайжон халқ фронтининг экстремистик ҳаракатларга ундаб, иғвогарлик қилгани учун қидирилаётган «Миллий мудофаа комитети» деб аталмиш комитет фаолларидан бири Э. С. Мамедовни қамоққа олдилар. 1955 йилда туғилган Э. С. Мамедов пойтахтда яшаётган Озарбайжон миллатига мансуб кишиларни жамиятга қарши ҳаракатларни ташкил этишга жалб қилиш учун Боку шаҳридан келган эди.

Тергов олиб борилмоқда.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

Қорақалпоғистон АССРнинг Хоразм областидаги маданият кунлари Огаҳий номли область ўзбек драма ва комедия театрида катта байрам концерти билан ниҳоясига етди. Автоном республикадан келган меҳмонлар уч кун мобайнида воҳа меҳнаткашлари билан учрашдилар, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида бўлдилар.

Учрашувлар ва кечаларда Қорақалпоғистон санъат усталарининг чиқишлари катта муваффақият билан ўтди. «Ойкулаш» қорақалпоқ ашула ва рақс ансамбли, театрлар, «Аму тўлқини» ансамбли артистларининг хоразмликлар ҳузурида чиқишлари жуда муваффақиятли бўлди.

Боғот районидаги Наримонов номли колхознинг кўп миллатли аҳли билан учрашув меҳмонлар ва мезбонлар учун дўстлик байрамига айланди.

Ўз халқи санъатини тарғиб қилишда самарали ишлаганлиги, регион халқлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Қорақалпоғистон АССР маданият арбобларининг бир группаси Хоразм область партия комитети ва область ижроия комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Театр гумбазлари остида узоқ вақтгача қарсаклар тинмади. Мезбонлар ҳам, меҳмонлар ҳам қувончли учрашувлар учун, шу кунлар совға қилган самимийлик ва биродарлик учун бир-бирларини қизғин олқишлашди.

(ЎзТАГ).

Муаммолар ҳал этилмоқда

Иштихон аҳолиси эндликда иссиқ нонларни бемалол харид қиладилар:

Бу ерда бир кеча-кундузда 15 тонна маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги нон заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Бошқа цехлар ҳам битай деб қолди. Корхона ёнгинасида мевазор барпо этилди. Район маркази аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш билан бирга яна бир муаммо — ортиқча меҳнат ресурслари муаммоси қисман ҳал этилади.

(ЎзТАГ).

А. П. Чехов таваллудининг 130 йиллигига

Қисқалик — истеъдод эгачиси

● Шундай яшаш керакки, меҳнат ҳаёт заруратига айлансин. Меҳнатсиз ҳаёт нурсиз ва ғуссалидир.

● Жамият фаровонлигига хизмат қилиш қалб эҳтиёжи, шахсий саодат мезони бўлиши лозим. Агар ҳаёт буларсиз, яъни назарий ва бошқа мулоҳазалардангина иборат бўлиб қолса, бу ҳеч нарсага арзимайди.

● Агар, мен врач бўладиган бўлсам, демак менга бемор ва касалхона зарур; мабодо адабиётчи бўлсам, унда мен Кичик Дмитровкада мангустлар[1] орасида эмас, халқ ичида яшамоғим лозим. Яна бир бўлак бўлса-да, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт зарур, табиатсиз одамларсиз, Ватансиз, соғлиқсиз ва иштаҳасиз тўрт девор орасидаги ҳаёт — бу ҳаёт эмас.

● Мен ёлғон ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишларидан қаттиқ нафратланаман.

● Мен яхши, балким ёмон танқидчидирман, бироқ ўзимнинг танқидий фикрларимни қоғозда баён қила олмайман.

● Табиатнинг гўзаллиги ва ранго-ранглигини фақат соддалик билан тасвирлаш мумкин.

● «Тирилиш» ажойиб роман. Менга жуда ёқди, фақат уни бир ўтиришда ўқиб чиқиш керак. Хотимаси зерикарли ва уйдирма, яъни ёзилиши жиҳатидан уйдирмадир.

● ...Сиз мен билан баҳслашиб, театр бу — мактаб, у одамларни тарбиялайди, деган алмисоқдан қолган гапни айтишдан нарига ўтмайсиз. Мен эса Сизга ўзим кўриб турган нарсани айтаман: ҳозирги театр бу бамисоли бир тўда, лекин тўданинг ҳаёти театрникига қараганда ақллироқ, демак у мактаб эмас, бошқа бир нарса.

● Мабодо инсонни бирор ишга, айтайлик санъат соҳасига ишқи тушиб қолса-ю, талантсизлиги туфайли санъаткор бўлиб етиша олмаса, шубҳасиз чиновник бўлади. Қанчадан-қанча одам мансаб мундирини кийиб олиб фан, театр ва рассомлик атрофида текинхўрлик қилмоқда.

● ...Халқ театри ва халқ адабиёти деган гапларнинг барчаси ақлсизлик маҳсулидир. Гоголни халқ даражасига тушириб қўйиш эмас, балки халқни Гоголь даражасига кўтариш зарур.

● Иложи борича кўпроқ ёзинг. Ёзаверинг, ёзаверинг, ёзаверинг... бармоқларингиз узилиб тушгунча ёзаверинг.

● Ишим бошимдан ошиб ётибди: ёзаман ва ўчираман, яна ёзаман яна ўчираман... Ёзувчи учун кам ёзиш, шифокор учун кам даволашдан зарарлидир.

● Тилнинг ширадорлигини асранг. Тил содда ва гўзал бўлмоғи шарт.

● Гоҳида ўқувчи бош қаҳрамон ва муаллиф фикрларини ўқийверишдан тўхтаб дам олиши ҳам керак. Худди шу ўринда пейзаж, кулгули нимадир, янги бир боғловчи воқеа ва янги қаҳрамонлар зарур бўлади.

● Муаллифнинг ўзига хослиги фақат унинг услубига эмас, фикрлаши ва эътиқодига ҳам боғлиқ.

● Биз абадий ёки шунчаки яхши деяётган ва бизнинг бутун борлиғимизни сеҳрлаб қўйган ёзувчиларда умумий бир хусусият бор. Улар Сизни қаёққадир бошлайдилар, уларда қандайдир мақсад борлиги учун ҳам чорловини ақлингиз билан эмас, бутун борлиғингиз билан ҳис қиласиз...

● Комил тарбияли инсонлар инсон шахсини ҳурмат қилишади, шунинг учун ҳам улар ҳамиша мулойим, меҳрибон ва муросали бўлишади.

● Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлмоғи лозим.

● Агар аёл ҳақида ёзадиган бўлсанг, албатта муҳаббат ҳақида ҳам ёзиш зарур.

Ж. САФОЕВ таржимаси.

1. Ҳайвон тури, Чехов уни Ҳиндистондан олиб келган эди.

Журналларнинг янги сонларида

«Мухбир»

Журналнинг 1990 йил январь ойи сони «Правда» газетасидан таржима қилинган «Матбуотнинг масъулияти» сарлавҳали мақола билан очилади. Унда бугунги кунда журналистлар олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида сўз боради. Партия йўлига монанд принципиал позицияда турмаётган айрим матбуот органлари қаттиқ танқид қилинган.

Журналда Боғот район партия комитети секретари Р. Абжонованинг «Ҳаётдан бир қадам илгари» сарлавҳали мақоласи босилган. Шу сонда журналистларнинг анъанавий ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари ҳақидаги материаллар билан билан ҳам танишиш мумкин.

Кадрлар тайёрлаш шу кунининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Журналист кадрлар малакасини ошириш регионал марказининг раҳбари С. Муҳамедовнинг «Журналистларнинг ўқув-методик маркази» сарлавҳали мақоласида бу хусусда атрофлича фикр юритилади.

Журналда ҳар галгидек халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ипларини янада мустаҳкамлаш учун кураш мавзусида мақола босилган. О. Муҳаммаджоновнинг «Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди» сарлавҳали мақоласи ана шу муҳим мавзуга бағишланган. Мақолада турли область газеталарида бу мавзунинг ёритилиши таҳлил этилган. «Правда Востока» газетаси шарҳловчиси Г. Кляцкийнинг «Шапка»бозлик авжга чиққанда», «Ёш ленинчи» газетасининг бўлим мудири И. Усмоновнинг «Очиқ ва аччиқ гаплар» сарлавҳали мақолаларини ҳам ўқиш мумкин.

Янги ташкил этилган «Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан» рубрикаси Улуғ Ватан урушида жанг қилган жангчи-журналистлар ҳақида мақолаларга бағишланади. Журналнинг ушбу сонида филология фанлари номзоди Муҳаммад ал-Бухорийнинг «У аввалгидай сафда» сарлавҳали мақоласида ветеран журналист Анвар Шомақсудов ҳақида ҳикоя қилинган.

Журналистнинг ёзган мақолаларигина эмас, балки унинг жамиятда тутган ўрни, одоби, одамлар билан муомаласи ҳам муҳимдир. Н. Кривенконинг «Узоқ чўзилган судлашув» сарлавҳали мақоласида «Правда Востока» газетаси собиқ мухбири И. Леиннинг кирдикорлари аёвсиз фош этилади.

Журналда «Матбуот обзори», «Полиграфия», «Кўп тиражли газета», «Редакция почтасидан», «Деворий газета» каби рубрикалар остида ҳам ранг-баранг мақола ва корреспонденциялар, хабарлар билан танишиш мумкин.

АХБОРОТ

Ўзбек тилини ўрганамиз

● Пойтахт областининг Оҳангарон районидаги 25-ўрта мактаб ўқувчилари ўқув мавсумини араб ҳарфлари асосидаги эски имлони ўрганишдан бошлашган эди.

18-ўрта мактабда эса юқори синф ўқувчилари бундай имлони факультатив тарзда ўрганмоқдалар. Шунингдек, райондаги 13-автокомбинатнинг турли миллатга мансуб ҳайдовчилари таклифи билан ҳафтада икки марта ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил этилди. Оҳангарондаги пионер ва ўқувчилар уйининг директори Р. Собирова машғулотларни кўргазмали қуроллар ёрдамида уюштирмоқда. 30 дан зиёд тингловчи бугунги кунда миллий тилларда гаплашмоқда. 3-ўрта мактабда ҳам ўзига хос хайрли ишга қўл урилган. Ҳар ҳафтанинг жума куни мактаб бўйича ўзбек тилида гаплашиш йўлга қўйилди. Бундай ташаббус бошқа мактабларда ҳам қўлланилмоқда.

М. ҚАЮМОВ.

Мактабларга бинолар

● Қўриқ Оқолтин районининг халқ маорифи системасида Янги йил арафасида ва ундан кейинги кунларда мактаблар учун янги бинолар қуриб битказилди.

Райондаги энг катта «Фарғона» совхозида 320 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Район маркази Сардобада қурилган янги мактаб биносида ҳозиргига нисбатан қарийб икки баравар кўп ўқувчи таълим олади. Шу ернинг ўзида 95 ўринли болалар боғчаси очилди. 13-ўрта ҳунар-техника билим юрти янги ўқув биносига кўчиб кирди. Буюртмачилар бинокорларнинг сифатли ишларидан мамнун бўлишмоқда.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: қурилиш материаллари;
профессор: биринчи КПСС тарихи;
доцентлар: биринчи КПСС тарихи, биринчи фалсафа; иккинчи фалсафа, биринчи сиёсий иқтисод, ижтимоий фанлар (2 ўрин), илмий атеизм, иккинчи жисмоний тарбия, биринчи олий математика, биринчи физика (2), чизма геометрия, назарий механика, иккинчи умумий ва ноорганик химия, очиқ қазилма бойликларини қазиб олиш технологияси ва уни комплекс механизациялаш, тоғ ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш, тоғ-транспорт машиналари ва тоғ механикаси (2), геология, қийин эрийдиган, полиметалл ва силикат материаллар химиявий технологияси, ноорганик моддалар технологияси (2), химия саноати иқтисоди ва уни ташкил этиш (2), умумий ва ноорганик химия, нефть ва газ конларини тадқиқ қилиш, электр тармоқлари ва системалари, саноат корхоналари ва шаҳарларни электр билан таъминлаш (2), электр симлари ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш, назарий ва умумий электротехника, саноат иссиқлик энергетикаси, қурилиш конструкциялари, шаҳар қурилиши ва қишлоқ аҳоли жойларини планировка қилиш (0,5), автоматика ва телемеханика, саноат электроникаси, эксперименталь ва назарий физика;
катта ўқитувчилар: биринчи жисмоний тарбия (2), биринчи рус тили (3), чет тиллари (6), граждан мудофааси, биринчи олий математика (2), биринчи физика (4), чизма геометрия (2), амалий механика, меҳнатни муҳофаза қилиш, геодезия ва маркшейдерлик, гидрогеология ва инженерлик геологияси, ноорганик моддалар технологияси, электр симлари ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш, саноат ва граждан бинолари архитектураси, архитектура тарихи ва назарияси, физик электроника ва микроэлектрон асбоблар;
ассистентлар: биринчи сиёсий иқтисод, ижтимоий фанлар (2), биринчи олий математика, иккинчи олий математика (2), биринчи физика (3), назарий механика, тоғ ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш, фойдали қазилма бойликларини излаш ва разведка қилиш методикаси, қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш (2), амалий геодезия, иссиқлик, газ билан таъминлаш ва вентиляция, эксперименталь ва назарий физика (2), амалий математика (2), техник кибернетика (5);
ўқитувчилар: биринчи рус тили (2), иккинчи рус тили, граждан мудофааси;

КЕЧКИ-СИРТҚИ БЎЛИМ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

доцент: қурилиш ишлаб чиқариш;

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

мудир: рудалар, рангли металларни бойитиш технологияси ва химия;

АНГРЕН ШАҲРИДА

катта ўқитувчи: олий математика ва физика;
ассистент: умум инженерлик фанлари;

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА

ўқитувчи: умум инженерлик фанлари;
ассистентлар: қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш, умуминженерлик фанлари

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

мудир: саноат ва граждан қурилиши;
доцент: химия ва химик технология;
катта ўқитувчилар: умуминженерлик фанлари, олий математика, физика ва электротехника;
ассистентлар: химия ва химик технология, саноат ва граждан қурилиши.

КОНКУРС МУДДАТИ — 26 ФЕВРАЛГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 42-хона.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

28 февраль соат 19.30

Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган

«БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари:

Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Қаҳрамон ДАДАЕВ, Маъмура ЭРГАШЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Талъат САИФУТДИНОВ, Светлана ТУРСУНОВА, Гулнора ЖУРАЕВА, Дилбар ЮНУСОВА.

Программани — Фотима ИКРОМОВА ва Рустамжон МИРЗАЛИЕВ олиб боради.

Музика раҳбари — Муҳаммаджон ШОКИРОВ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — СССР давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Равшаной ШАРИПОВА.

«БАҲОР» ансамбли азиз томошабинларга ўзининг янги программасини тақдим этади.

Сиз унда ўзбек, уйғур, тожик ва шарқ халқлари рақс ва қўшиқларини тинглаб томоша қилишингиз мумкин.

Справкалар олиш учун телефонлар: 39-46-09, 39-46-10.

Касса 45-93-63, 45-92-13.

Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон театрларининг иккинчи республика фестивали

«ПАРАНЖИ СИРЛАРИ»

«Ёш гвардия» драма театри кейинги вақтларда оригинал спектакллар саҳналаштириб, томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Бадиий коллективнинг «Паранжи сирлари» спектакли ана шундай асарлардан

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, спектакль Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий меросининг илк варианти асосида саҳналаштирилди. Уни саҳнага қўйган ёш, иқтидорли режиссёр Искандар Гамиров устозлар тажрибаларига таянган ҳолда дадил изланишлар қилган. Бу аввало комедиянинг ўзига хос, айтиш мумкинки, томошабинлар кутмаган талқинларида яққол кўзга ташланади. Моҳир рассом, СССР Давлат мукофоти лауреати Георгий Брим ишлари ҳам янгилиги билан диққатга сазовордир. Унинг чизмалари, безаклари спектакль мазмунини кучайтирса кучайтирадики, соя ташламайди.

— Биз «Паранжи сирлари» спектаклини бежизга улкан анжуман, кўрик-конкурсга тавсия этганимиз йўқ, — дейди театр бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Баходир Йўлдошев. — Асар ҳозирги репертуаримизнинг энг яхши намуналаридан. Режиссёр ва рассом изланишларига муносиб ижрочилик кўрсатаётган актёр ва актрисаларимиз бу масъулиятли асар устида астойдил ишладилар, иложи борича характерли, қизиқарли талқинлар ижод этишга интилдилар. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозирга қадар спектакль неча марта кўрсатилган бўлса, залимиз ҳамма вақт томошабинлар билан гавжум бўляпти. Мен бу ўринда Пўлат Саидқосимов, Тўти Юсупова, Обид Юнусов каби тажрибали артистлар, Римма Аҳмедова, Саида Раметова сингари изланувчан ёшларимизнинг меҳнатини таъкидлаб ўтаман.

Ҳамзанинг машҳур «Паранжи сирлари» комедиясини ўқимаган китобхон, санъат мухлиси кам, албатта. Лекин уни саҳнада кўриш бошқа-да. Айниқса, асарни характерли талқин қилган театр коллективининг изланишлари туфайли пьеса одамлар қалбидан янада чуқурроқ ўрин олиши мумкин.

А. БОРОВИКОВ.

Суратда: «Ёш гвардия» драма театрининг «Паранжи сирлари» спектаклидан бир кўриниш.

К. РОМЕЕВ сурати.

Қулайлик

САМОЛЁТДАН ТУРИБ ТАКСИ ЧАҚИРИЛАДИ

Қаршн таксомотор парки меҳнаткашлари ва авиаторлар амалий ҳамкорликнинг янги шаклига ўтишга қарор беришди. Автомобилчиларнинг таклифи билан қўриқ областга учиб келаётган йўловчилар бевосита самолётдан туриб такси буюришлари мумкин.

— Кўпчилик бундай ортиқча ташвишнинг нима кераги бор эди деб савол бермоқда. Ҳақиқатан ҳам юзаки қараганда бу анча ташвишли кўриниши мумкин. Лекин фойдали, — дейди таксопарк директори Б. Асадов. —Йўловчиларга маданий хизмат қилишни яхшилаймиз, хизмат қилишнинг яна бир янги турини амалда жорий этамиз. Самолётда келган йўловчиларга хизмат қилиш учун махсус машиналар ажратамиз.

Б. Асадов таксопаркда директор бўлиб ишлаётганига икки ой тўлди. У ушбу лавозимга областдаги ва республикамиздаги турли идоралар билан етти йил давомида борди-келди қилиб, оғир азоб чекканидан кейин қайтиб келди. Уни бўшатиш тўғрисида ғайриқонуний буйруқ чиқарган область автомобиль трестидан мазкур буйруқни бекор қилишни талаб этган прокуратура адолатни тиклади.

Директорни яхши кутиб олган коллективга ҳам раҳмат айтиш керак. Б. Асадов қайтишн билан ижобий силжишлар рўй бера бошлади: машиналарнинг бир қисми ижарага берилди, моддий ва ремонт базаси мустаҳкамланмоқда, давлат плани мунтазам бажарилмоқда. Меҳнат коллективи ўзи ишлаб топган фойдага чет эл ускунасини сотиб олмоқчи. Ана шу ускуна таркибига машиналарни механизация ёрдамида ювадиган қурилма, маиший хоналар, маъмурий бино киради.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА КОРЕЙС МАДАНИЯТИ ЖАМИЯТИ

Тошкентда совет корейсларининг маданият жамияти ташкил этилди. Жамиятнинг таъсис конференциясида район ташкилотларидан 250 делегат қатнашди. Делегатлар жамиятнинг программа ва уставини муҳокама қилдилар, унинг кенгашини сайладилар.

Ҳозир Ўзбекистон пойтахтида 45 минг корейс истиқомат қилмоқда. Бундан бир ярим йил муқаддам ташаббускор группа жамиятни тузиш юзасидан фаолият бошлаган эди. Тайёргарлик комитети жамиятнинг программа ҳужжатларини ишлаб чиқди, Ўзбекистоннинг барча регионларида яшаётган корейсларнинг вакиллари билан учрашувлар ва маслаҳатлашувлар уюштирди. Бугунги кунда корейслар тўп бўлиб яшайдиган кўпгина районларда маданият марказлари ёки ташкилот комитетлари тузилди.

Пхеньяндан келган ансамблнинг концертлари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейслар учун чинакам байрамга, қадрдон маданият ва тарих билан учрашувга айланди. Ўтган йили корейс китоблари ва манзарали-амалий санъат буюмлари кўргазмалари уюштирилди. Тошкентдаги Тельман номли истироҳат боғида ўтказилган миллий байрамда минглаб кишилар қатнашдилар ва ниҳоят, жамият расмий мақомга эга бўлди.

Жамият миллий маданият ва тилни тиклаш ҳамда ривожлантиришни, анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолишни, совет корейсларининг социал жиҳатдан ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Жамият корейс ижодиёти фестивалларини мунтазам ўтказиб туришни, корейс адабиёти ва санъати музейи ва кутубхоналарини ташкил этишни, «Совет корейсларининг миллий мулки» фонди учун бадиий асарлар ва буюмлар тўплашни, маросим хизматини йўлга қўйишни кўзда тутади. Жамият корейслар тўп бўлиб яшайдиган жойлардаги умумий таълим мактаблари қошида корейс тили ўқитиладиган синфларни ташкил этиш тўғрисидаги масалани ўртага қўяди. Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб 200 мингдан ортиқ киши истиқомат қилаётганлиги шуни тақозо этади. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги деярли ўз она тилини, адабиётини ва тарихини билмайди. Бу вазифани ҳал этишда ҳозирдаёқ дастлабки қадам қўйилди — Тошкентда корейс тилини ўрганиш курслари ташкил этилди.

Жамият чет эллардаги маданият ташкилотлари билан алоқа ўрнатишни ўз вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Жамият корейс таомлари ресторани, миллий кийим-кечаклар тикиладиган комбинат қуришни ҳам режалаштирмоқда.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ФУТБОЛ:

УРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Мавсумга ҳозирлик кўраётган «Пахтакор» футболчилари сафарда «Помир» командаси билан ўйнаб (1:2) имконнятни бой беришган эди. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни Қўрғонтепанинг «Вахш» коллективи билан ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Тўпни Р. Галиев дарвозага йўлладди. Пахтакорчиларнинг «Сельмашевец» (Чирчиқ) командаси билан учрашувида 7:0 ҳисоби қайд этилди. Оганесян билан Микляев иккитадан, Абдураимов, Шквирин ва Биллолёвлар биттадан тўп киритишди. Энди пахтакорчилар «Помир» командасини қабул қилиб, кейин Фарғонанинг «Нефтянник» клуби совринн учун мавсумолди турнирида иштирок этишга йўл олади.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг

Г. С. ЗАЙЦЕВ НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

«Селекция ва уруғчилик» ихтисоси бўйича 1990 йил учун кундузи ва сиртдан таълим олиннадиган

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 702147, Тошкент области, Оржоникидзе райони, «Салор» алоқа бўлими.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/I да **Майсаранинг иши** (19.00), 31/I да **Инки дил достони** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 31/I да **Мушкул савдо** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/I да **Отасининг қизи** (19.00).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон ССР сил илмий текшириш институти маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари врач А. С. Салмоновга акаси

Еқубхўжа САЛМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институти коллективи «Анъанавий қўшиқ» муаллими

Шокир АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари химияси институти коллективи катта илмий ходим У. А. Болтаевга отаси

Абдураззоқ БОЛТАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04057. № 25. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12